O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 21 (535)

2007-yil 16-may

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 Яйдоқлик чорраҳасидаги ўйлар

"Сарт" тўралар бундай "сквер" барпо этишни ўзларича дунёвий янгилик амали деб тушундилар. Ўзимиздаги ранг-баранг мевали ҳамда роҳатбахш соя-салқин берувчи дарахтлар ўрнига "маданий"сини экиш ана шундан бошланди.

3 Зиёли қиёфасидаги сиёсатдон

Исроил ХАМАС ташкил топганидан то шу кунгача яҳудий давлатига ўзини душман деб эълон қилган ҳаракатга қарши аёвсиз курашиб келмоқда. Ана шу кураш тўлқини ХАМАС сафига кирган ёш олимни ҳам ўз гирдобига олди.

4 Устоз ибрати

Шундай ҳам бўлдики, домлага у кишининг баҳоларини қадрлайдиган ихлосманд адиблар 300-400 саҳифалик эпик асарларни магнит тасмасига ёзиб, қўйиб беришар, шу аснода янги роман ва қиссаларга кириш сўзлари ёзилар эди.

HURRIYATга обуна йил бўйи давом этади.

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

Масъулият туйғуси

Шайх Саъдий "Гулистон"ида келтирилишича, бир куни ул зот бозорда бир паҳлавонни кўриб қоладилар. Паҳлавон бир зарб билан ўнта ғиштни тупроққа айлантириб, одамлардан кўрсатган томошаси учун пул ундирарди. Шайх паҳлавонга айтадилар:

— Бузмоқ ҳунар эмас, яратмоқ ҳунардир. Агар шу куч-қувватингни ғишт қуйишга сарфласанг, кўрсатадиган томошангдан топадиган пулдан кўпроқ ҳақ тўлайман.

Паҳлавон бу шартга рози бўлади. Ўнта эркакнинг овқатини еб, ярим эркакнинг ишини қилади ва учинчи куни қочади...

Олимжон ДАВЛАТОВ

Одамзотнинг асл табиати шунақа — бунёдкорликдан кўра... Асрлар давомида шаклланиб келган, муқаддас саналган туйғулар, кўникма ва урф-одатлар қисқа муддатда топталиши, оёқости бўлиши мумкин. Аммо эзгу қадриятларнинг тикланиши, букилган ҳақиқатнинг қад ростлаши, одамлар қалбида келажакка умид ва ишонч чироғининг мунаввар бўлиши қийинчилик билан бўладиган, нисбатан узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён.

Не-не азобу уқубатлар эвазига эришилган мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш, қадрлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилиш, собитқадамлик билан кураш олиб бориш — ҳозирги даврдаги асосий вазифалардан биридир. Бу муҳим ва долзарб вазифаларни вақтида бажармаслик мустақиллик берган кенг имкониятларни қўлдан бой бериш билан баробардир.

Мустақилликни қўлга киритишдан-да уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш неча бор мураккаброқ. Бу вазифа одамлар моддий турмуш шароитини яхшилаш билан бир қаторда маънавият билан ҳам узвий боғлиқдир. Маънавият мустақиллик заминини мустаҳкамлашнинг, уни янада барқарорлаштиришнинг зарур омилларидан биридир. Агар мустақилликнинг маънавий замини мустаҳкам бўлмаса, у барқарор бўла олмайди.

Жамият тараққиёти ва шахс камолотида маънавиятнинг роли ва аҳамияти иқтисодий ва сиёсий омиллардан кам эмаслигини англаган Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ миллий маънавият ва мафкура масалаларига катта эътибор қаратди. Собиқ Иттифоқ даврида эски тизимдан янгисига ўтиш даврида мамлакат раҳбари олдида нафақат иқтисодий тараққиёт масалаларини ҳал этиш, балки миллий давлатчилик асосларини, асрий қадриятларни қайта тиклаш, халқнинг ўзлигини англатиш ва ғурурини уйғотиш вазифаси турар эди. Шу билан бирга, истиқлол ғояларини амалга ошириш учун мутлақо янгича фикрлаб, янгича иш юритадиган кадрларни тарбиялаш масаласини ҳам ҳал этиш зарур эди.

Алломалар ўтиш даврини уйғониш даврига менгзашган. "Халқни уйғотиш учун унинг тарихини уйғотиш керак", деган эди машҳур файласуф Аврелий Августин. Шу сабабдан етмиш йил давомида шаклланиб бўлган фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидан халос этиш учун, энг аввало, маънавий қадриятларимизни тиклаш, уларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш, давр воқелиги билан уйғунлаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Қолаверса, ҳар қандай ислоҳот фикри теран, онги ва шуури бунёдкор ғоялар билан



йўғрилган, ташаббускор ва жонкуяр кадрлар бўлгандагина амалга ошиши мумкин.

Мустабид тоталитар тузумдан демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлига ўтар эканмиз, энг аввало, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, демократия афзалликларидан фойдаланувчигина эмас, айни чоғда уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси бўлган фуқароларни тарбиялаш ҳам маънавият соҳасида амалга ошириш лозим бўлган асосий йўналишлардан бирига айланди.

Миллатнинг тарихий илдизлари асрлар қаърида ётади, ўз илдизларидан узилган миллат тарих саҳнасида яшаш ҳуқуқидан мосуво бўлади. Бу — ҳақиқат. Президентимиз тарихчи олимлар ва журналистлар билан бўлган бир суҳбатда айни шу масалага ойдинлик киритиб, шундай дегандилар: "Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий".

"Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир куни мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди".

"Иродали инсон" ибораси бу ерда тарихий хотира соҳибларига нисбатан айтиляпти. Ирода маънавий-руҳий ҳодиса бўлиб, фақат сабр-бардошли одамларгагина нисбатан ишлатилмайди. Иродани шакллантирувчи омиллардан энг асосийси — соғлом маънавият, собит ақл, тирик хотира. Иродали одам ўз тарихи, унинг шиддати ва ҳазин, фожиали ва саодатли лаҳзаларини соғлом ақл билан мушоҳада қилади.

Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ҳақида "демократия, адолат, тенглик" бобида айюҳаннос соладиган қатор хорижий нашрлар турли-туман уйдирма ва иғволарнинг "инкубатор"ларига айланиб қолишди. "Ҳақиқат — бирдир, ёлғон эса минг. Ҳақиқатнинг бир йўли бор, ёлғонники кўп. Жуда кўп. Ҳақиқатни топиш қийин, ёлғон эса ҳар қадамда учрайди", деган эди машҳур мутафаккир Муҳйиддин Ибн ал-Арабий. Энди бир мулоҳаза қилиб кўринг: қандай қилиб, бир давлат айни бир пайтда ҳам ислом маданияти душмани, ҳам демократия қадриятларини оёғости қилувчи, ҳам "неокоммунист", ҳам миллий шовинизм тарғиботчиси ва амалга оширувчи, ҳам бошқа дин вакилларига тазйиқ ўтказувчи, ҳам инсон ҳуқуқларини поймол этувчи бўлиши мумкин? Агар бу даъволарнинг ўндан бири ҳам рост бўлганида эди, бу ўлка шунчаки "рангли" инқилоб эмас, балки қонли исёнлар макони бўлиши керак эди-ку?! Унда бу муқаддас заминдаги барқарорлик, одамлардаги шукроналик туйғуси қаердан?!

Узоққа мурожаат этмасдан, яқин ўтмишимизга назар солайлик: Афғонистонда "асл исломий мамлакат" барпо қилган толиблар ҳаракати умуминсоний маданиятининг энг қадимий намуналаридан бўлган Бомиёндаги Будда ҳайкалини портлатган йилларда бизнинг мамлакатимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Имом ал-Мотурудий каби аждодларимизнинг номлари қайта тикланди, уларнинг табаррук қадамжолари обод қилинди. Араб миллиардери Усома бин Лодин "мусулмонлар озодлиги йўлида" шиори остида дунёнинг турфа гўшаларида қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириб, юзлаб бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлаётган бир даврда уламоларимиз томонидан Қуръони каримнинг учта тафсир ва изоҳли таржималари амалга оширилди. "Ҳизб ут-таҳрир"чилар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда "халифаликни тиклаш" баҳонасида ғўр ёшларни алдаб, нотўғри йўлга бошлаш ҳаракатида юрган даврда фуқароларимиз ишончли ҳадислар тўплами, Имом Ғаззолий, Абу Лайс Самарқандий, Имом Надавий асарларини ўз она тилларида ўқиш бахтига муяссар бўлдилар...

Давоми 2-бетда.

«Йилнинг энг фаол журналисти»

танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! Ўтган йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз ижод аҳли халқимиз эришаётган ютуқларни, ўй-мақсадларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бордилар. Табиийки, бу ишлар газета ва журналлар саҳифаларида, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда, янги-янги чиққан китоблар саҳифаларида ўз аксини топди.

ОАВда меҳнат қилаётган азиз ҳамкасблар, жамоатчи мухбирлар, сизларга "Йилнинг энг фаол журналисти — 2006" танлови давом этаётганини маълум қиламиз. Ижодий ишлар шу йилнинг 10 июнига қадар қабул қилинади. Танловга 2006 йилда эълон қилинган ижодий ишлар ҳавола этилади.

Ғолиблар анъанавий касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни — 2007 йил 27 июнь арафасида аниқланиб, рўйхати матбуотда эълон қилинади. Ғолиблар мукофотлар билан тақдирланадилар.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилади. Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони ва манзили ҳақидаги маълумот ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилади:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар. Телефонлар: 144-64-61; 144-37-87. Факс: 144-69-65



Осимхон ВОСИХОНОВ чизган

Суриштирув

Арафа тунидаги қотиллик

Жиноятчилар ҳатто болаларга ҳам шафқат қилмадилар

... 2005 йил, 19 март. Вилоят маркази Термизда Наврўз байрами зўр шодиёна тарзда ўтказилди. Унда ҳар галгидек, "Бойсун" фольклор-этнографик ансамбли аъзолари ҳам иштирок этишди. Бироқ бутун концерт давомида бойсунлик санъаткорларнинг юз-кўзлари кулиб турган бўлса-да, қалблари йиғлагани, улар бу тадбирни узоқ вақт қайғу ва алам билан эслаб юришларини томошабинлар билмасди ҳали.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири

2006 йил, 5 октябрь. Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди жиноят ламида камдан-кам содир бўлиши мумкин бўлган қотиллик иши юзасидан ҳукм чиқарди. Бутун бошли оилани йўқ қилган ашаддий қотиллар ғаразли мақсадлари йўлида ҳатто норасида болаларга ҳам шафқат қилишмаган эди...

2005 йил, 18 март. Туман марказида ўтказилган Наврўз байрами тантаналарида ўғли Абдуқодир билан хизмат қилган ҳофиз уйга кеч қайтди. Аслида шу куниёқ бошқа ҳамкасблари қатори Термизга жўнаб кетиши лозим эди. Бироқ бир оз саломатлиги бўлмаётгани боис сафарни эрталабга қолдирди.

Кечки овқатни бирга баҳам кўришгач, оила бекаси байрам сафарига тараддуд кўраётган турмуш ўртоғининг кийимларини дазмоллашга киришди. Ота эса ўғли Абдуқодир билан эртанги ижро этишадиган қўшиқни репетиция қилиб олишди.

Кун бўйи давом этган Наврўз сайлидан олам-олам завқ-шавқ олиб қайтган бойсунликлар қаторида Кенжаевлар хонадони ҳам эртанги кунни қандай хабар билан кутиб олишларидан бехабар, хотиржам уйқуга кетишади...

Тонгда эса... Бир коса қаймоқ сут кўтариб овсинини уйғотишга кирган хонадоннинг кичик келини Ҳаловатнинг юракни ўртовчи фарёди бутун маҳаллани тутди. Бир пасда Кенжаевлар хонадонини қамраб олган тўс-тўполон шаҳарни оёққа турғазади. Воқеадан биринчи бўлиб хабар топган Турсун бобо Кенжаевнинг яқин қўшниси Менглибой ота ичкарига кирди-ю қонга беланиб ётган тўрт мурда ва бир нафар чалажон жасадни кўриб даҳшатдан донг қотди...

Ўзининг бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бахшида қилган кекса педагог Турсун Кенжаев хонадонида тарбия топган, эндигина эл оғзига тушган, "Бойсун" фольклор-этнографик ансамблининг хушовоз хонандаси Абдурашид Кенжаевни оила-аъзолари билан биргаликда жисмонан йўқ қилиш кимга керак бўлиб қолди? Бундай қабиҳ жиноятдан ким манфаатдор бўлиши мумкин?

Ўша куниёқ воқеа жойига етиб келган Сурхондарё вилоят прокуратурасининг тезкор-тергов гуруҳи аъзолари ишни дастлаб ана шу саволларга жавоб излашдан бошлашди. Хонадон соҳиби Турсун бобонинг гувоҳлик беришича, унинг жигарбанди Абдурашид шу пайтгача ҳеч ким билан ихтилофга бормаган, бирор-бир жиноий гуруҳ ёки безорилар тўдаси билан алоқада бўлмаган. Умуман, ушбу жиноятда хонадон аҳли гумон қилиши мумкин бўлган кўни-қўшни, таниш-билишлар йўқ ҳисоби. Бироқ бундай вазиятда, одатда, тезкор гуруҳ учун ҳар бир кичик шубҳали ҳолат ҳам эътибордан четда қолиши мумкин эмас. Хусусан, қотиллик жиноятини содир этилган жойдаги умумий аҳвол ушбу қабиҳлик моддий манфаат кўриш учун амалга оширилган бўлиши мумкин деган дастлабки тахминни келтиради. Шундан сўнг яқин девор-дармиён қўшниларни тергов қилиш билан иш бошлаган тезкор тергов гуруҳи аъзолари ўша куниёқ жиноятчилар изига тушишга муваффақ бўлишади. Зотан, тезкор гуруҳнинг дастлабки тахминлари ҳақиқатга яқинроқ бўлиб чиқди: мудҳиш ўлим режаси Кенжаевлар хонадонига туташ ҳовлида тузилган эди.

Аслида, ушбу маҳалла хонадонлари орасида азалдан девор уриш кўп ҳам урф бўлмаган. Жумладан, Турсун Кенжаев ҳамда у кишининг узоқ йиллик ҳамсояси Холмурод Жўраевлар ҳовлиси ҳам бир-биридан оддий симтўр тўсиқ билан ажратилган. Ҳар иккала хонадон аҳли гўёки бир ҳовлида яшаётгандек умргузаронлик қилиб келишган. Лекин шундай бўлсада, ҳар икки оиланинг яшаш тарзи, топиш-тутишию дунёқараши кескин фарқ қилган. Хусусан, Х. Жўраев кўпроқ вақтини хизмат сафарида (Термиздаги уйида) ўтказгани боис унинг ўғли Шерали аксарият уйда ёлғиз қолар, боз устига тайинли жойда ишлаб кўрмаганди. Оқибатда унинг асосий вақти бекорчилик, баъзан безори болалар тўдасига қўшилиш билан ўтиб турган. Худди ана шу муҳит унинг жиноят кўчасига кириб қолишига замин яратган бўлса ажабмас.

Шерали ўзига тўқ оилада яшаганлиги учун пулга у қадар муҳтож бўлмаган. Аммо яқин қўшниси Абдурашид Кенжаевнинг укаси Баҳтиёр Корея давлатида анча вақтдан буён ишлаб келаётгани уни безовта қилар, хорижда ишлаётганлар ончамунча сармоя юборишаётгани ҳақидаги узунқулоқ гапларни эшитгани сайин шундоққина рўпарасидаги уй унга сир-синоатларга тўла кўринар, кўнглидан алланечук фикрлар ўтарди. Айниқса, Бахтиёр Кенжаев телефони орқали турмуш ўртоғи Ҳаловатга акаси Абдурашид номига пул жўнатаётгани ҳақидаги хабар етказганлигини эшитгач эса Шералининг пайтавасига қурт тушиб қолади. Ахир кун ора отасининг қўлига қарагани қаёқда-ю, биратўла миллионларга эгалик қилиш қайда? Лекин кўнгилдан кечган қора ниятни якка амалга ошириш мушкул бўлгани учун ҳам масаланинг бу томонини пишиқроқ ўйлаб кўриш, ўзига мос шерик излаб топиш лозим эди.

2005 йилнинг 25 февралида Шерали амакиваччаси Улуғбек Жўраевга учрашиб ундан қурол топиб беришни сўрайди. Аввалига қурол беришдан бош тортган Улуғбек Шералининг пул таклиф қилганига кўниб, уйида ноқонуний сақлаб келаётган ТОЗ-8-М русумдаги ўқотар қуролни чиқариб беради. Шерали қуролни чўпонлари учун сотиб олаётганлигини таъкидлаб, уйига қайтади. Бироқ тахминан 15 март куни у яна Улуғбекнинг олдига келади ва қўшниси Абдурашид Кореяда ишлаётган укаси Бахтиёрдан анчагина маблағ кутаётганлиги хабарини етказиб, олдиндан ўйлаб юрган қабиҳ ниятларини ёрилади. Тайинли жойда муқим ишламаган Улуғбек ҳам пулнинг дарагини эшитиб табиийки, ўзини йўқотиб қўяди. Агар Шерали унинг маслаҳатига кўниб биргаликда Абдурашиднинг уйига босқинчилик қилса, пулни бўлишиб олишларини таклиф қилади. Бу таклиф Шералининг айни кўнглидаги гап бўлиб, кўпдан режалаштириб юрган жирканч ниятини амалга оширишда энг қулай имконият эди. Қолаверса, ҳар икки нобакор кўнглини бир нарса — бойлик ва мўмай пул васвасаси қамраб олгани боис ҳам улар бир зумда тил топишади. Оқибатда, шу тун икковлон нафақат Кенжаевлар хонадони, балки эшитган ҳар қандай инсон қалбини ларзага солиши мумкин бўлган мудҳиш ўлим режасини тузишади. Фақат уни амалга ошириш учун қулайроқ фурсат келишини кутишга тўғри келарди.

Давоми 2-бетда.

Тадбир

Сиёсий партиялар роли

Германия ва Ўзбекистон тажрибаси

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма томонидан ташкил этилган Фуқаролик форуми лойиҳаси доирасида, "Сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида навбатдаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад икки давлат: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси мисолида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида, сиёсий партияларнинг ўрни ва ролининг аҳамияти ҳамда уларнинг давлат органлари, фуқаролик жамияти муассасалари билан ўзаро муносабатлари жараёнида юзага келган муаммоларнинг ечими юзасидан ўзаро фикр алмашишди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори, профессор А. Саидов давра суҳбатини очар экан, ўз нутқида деярли 10 йил мобайнида "Фуқаролик форуми" доирасида ўтказилган элликдан ортиқ тадбир фуқаролик жамиятининг турли институтлари шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутганлигини қайд этди. Шунингдек, тадбир давомида Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари доктор Р. Круммнинг "Германияда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти" ва "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўринбосари М. Ҳожимуҳаммедовнинг "Партиялар электоратининг социологик таҳлили: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Ҳар иккала давлат лойиҳаси туфайли мамлакатимиз ўқувчилари Германиянинг 1967 йилда қабул қилинган сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуни билан таништириш имконияти пайдо бўлди. Тадбир давомида ушбу уч тилда чоп этилган китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда олимлар, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА

Масъулият туйғуси

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Сўнгги йилларда гегемонлик кайфиятидаги айрим империяпарастлар "демократия экспорти", "инсон ҳуқуқлари ҳимояси" каби важ-карсонларни рўкач қилиб, энди мустақилликка эришган ёки истиқлолияти заифлашган мамлакатларнинг ички сиёсатига дахл қила бошлади. Уларнинг Маркс хом хаёлларига ўхшаш "башорат"лари бўйича собиқ Иттифоқнинг айрим ҳудудларида содир бўлган "рангли инқилоб"лар бутун дунёни қамраб олмоғи ва барча мамлакатларда уларнинг ҳадсиз-ҳудудсиз истакларига "лаббай" дея жавоб берадиган қўғирчоқ ҳукуматлар сиёсат жиловини қўлига олмоғи керак эди. Аммо давр шуни кўрсатдики, қурол-яроғ ёки садақа билан демократияга эришиб бўлмас, хорижий ташкилотлар хайрияси ҳисобидан кун кўрадиган ҳукумат ҳали ҳалқ ҳокимияти (демократия сўзи аслида шу маънони билдиради) эмас экан, меҳр-мурувват, андиша, одоб, ҳаё, бағрикенглик, тотувлик каби "демократия тимсоли"га айланган энг ривожланган мамлакатларда жуда тансиқ бўлиб бораёзган туйғуларсиз маънавий камолот, ижтимоий тараққиёт ҳақида гапириш кулгили туюларкан...

Сирасини айтганда, барча мафкуралар "виждон ва эътиқод эркинлиги", "миллатлар ва ирқлараро тотувлик", "тенгҳуқуқлилик" каби ғояларни илгари сурадилар ва тарғиб қиладилар. Ҳатто худосизлик динига асосланган собиқ Иттифоқ конституциясида ҳам диний эркинлик ғояси ўз инъикосини топган эди. Амалда эса бунинг акси бўлганига тарих гувоҳ. Голливуд фильмларида ҳам оқ танли полициячининг шериги албатта қора танли хабаш бўлиб чиқади. Бу нарсага қайта-қайта урғу берилишининг сабаби шундаки, Америкада ирқчилик муаммоси ҳали тўлиқ ечимини топгани йўқ. Бизга қандай яшашни ўргатмоқчи бўлган зотлар аслида келиб, бизнинг халқимиздан собитқадамлик, иймонлилик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, бир сўз билан айтганда ОДАМИЙЛИК ИЛМИни ўргансалар, фойдадан холи бўлмасди.

Бугунги кунда халқимизнинг ўтмиши ҳақида ҳақиқатларни баралла айтиш замони келди. Асрлар оша яшаб келаётган гўзал қадриятларимиз ижтимоий ҳаётнинг кўркига айланди, энг аввало, миллий меросимизга эгалик туйғуси, миллий ғурур ва ифтихор туйғуси шаклланди. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, фақат ғурур-ифтихор қилиш билангина тараққий этиб бўлмайди. "Фақат ўз ўтмиши билан фахрланадиган миллат қариб қолгандир, бундай миллат ҳалокат топиши муқаррар", деган эди олмон файласуфи Фридрих Ницше. Ҳақиқий ғурурдан ҳосил бўладиган яна бир туйғу бор. Бу — масъулият туйғуси, муносиблик туйғуси.

Ҳар бир онгли инсон ўз оиласи, миллати, аждодлари ва мамлакати олдида масъулият ҳиссини сезмоғи лозим. Миллат фақат иқтисодий ҳаётда эришган ютуқлари, бир неча асл ўғлонларининг қаҳрамонлиги билангина тараққий этиб қолмайди. Бунинг учун ҳар бир фуқаро — у оддий ишчими, амалдорми, зиёли ёки спортчими, ким бўлишидан қатъи назар шу Ватан, шу юрт келажаги менинг келажагим, шу миллатнинг дарди менинг дардим, шу мамлакат тинчлиги менинг тинчлигим, деб тафаккур қилиши, Ватан озодлиги ва ободлиги гарчи кўзга кўринмас бўлса-да, менинг ҳам меҳнатимга боғлиқ, қолаверса, биз ҳам аждодлар, ҳам келажак авлод олдида масъулмиз деб англаш лозим. Юртбошимиз томонидан илмий жиҳатдан асослаб берилган миллий ғоямиз аҳолининг барча қатламларида ана шу масъулият ҳиссини уйғотадиган, уларни эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, бунёдкорлик йўлига сафарбар қила оладиган байроқдир десак, муболаға бўлмас.

Арафа тунидаги қотиллик

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўша тундан бошлаб ўз амакивачасидан катта миқдордаги пулнинг дарагини эшитган Улуғбек Жўраев ҳам Шерали Жўраев каби ҳаловатини йўқотади-ю, биргаликда режалаштирилган "иш" унинг бутун фикру хаёлини қамраб олади. Шу орада Наврўз байрамига тараддуд кўраётган Абдурашиднинг бир-икки кун кўринмай қолиши эса уни янада безовта қила бошлайди. Унинг тахминича, гўё Абдурашид укаси жўнатган пулларни олиб келиш учун кетганлиги боис кўринмай қолган бўлиши мумкин. Агар Наврўз байрами нишонланадиган тунда "иш"ни амалга оширишмаса, эртасига Абдурашид Термизда ўтказиладиган байрам концертига жўнаб кетиши, бинобарин, режани амалга ошириш янада мушкуллашуви мумкин. Бу — Улуғбекнинг узил-кесил қарори эди.

18 мартдан 19 мартга ўтар кечаси тунги соат иккиларда Шералини уйғотган Улуғбек унинг уйида сақланаётган (ўзи сотган) милтиқ ва ўн дона ўқни олиб икковлон биргаликда А. Кенжаевнинг ҳовлисига ўтишади. Аввал келишилганидек, Шерали дераза михларини суғуриб, ойналарни олади. Уйга кириб олишгач эса ҳар қандай ташқи хавфдан огоҳ этиш учун Шералини айвонда қолдирган Улуғбек болалар ётоқхонасидан авайлаб ички ётоққа ўтади. Режа бўйича аввало Абдурашид ва унинг турмуш Ўртоғи Мавлудани йўқ қилиш керак эди. Чунки ишни болалар ётоғидан бошлаш анча хавфли бўлиб, шовқиндан ота-оналарнинг уйғониб қолиши туфайли қотиллар режаси барбод бўларди. Шунинг учун у ички ётоқга кириб олгач, ҳеч иккиланмай, шарпадан уйғонган Абдурашид ўзига келиб нима воқеа рўй бераётганлигини англашга улгурмай биринчи ўқни унинг қоқ пешонасига йўллайди...

Қотиллик жиноятини оламини узоқ йиллар ўрганган криминалист — мутахассислар ҳамда руҳшунослар фикрича, ҳар қандай қотил (агар у биринчи марта жиноятга қўл ураётган бўлсада) жиноятни амалга ошираётган чоғда ўз ҳаракатлари фош этилиш вазияти пайдо бўлиб қолгудай бўлса, унинг олдини олиш, гувоҳ қолдирмаслик мақсадида барча разилликдан қайтмайди, инсоний ҳиссиётлар чегарасидан чиқиб, ҳайвоний ҳиссиётлар исканжасида қолганини ҳам сезмай қолиши мумкин экан. Балки шунинг учун ҳам Абдурашидни "тинчитган" Улуғбек ўқ овозидан уйғонган Мавлуданинг нолаю фиғонларини эшитиш ҳиссидан тамоман маҳрум бўлгандир, шу топда. Бойлик ва пул васвасаси тутган қотил қалбида пешонасига қуролнинг совуқ мили тиралган, ўлим шарпасини муқаррар билган заифанинг титраб-қақшаганларини ҳис қилиш учун сабр-тоқат, бардош қолмагандир ўшанда. Бундай вазиятда, табиийки, муштипар она ҳеч бўлмаганда вояга етмаган мурғак болалари ҳаётини сақлаб қолиш учун бирор бир чора излашга ҳаракат қилгандир. Бироқ, афсуски, кўзлари қонга тўлган қотилда болалари ҳаёти учун ўзининг ширин жони ҳам кўзига кўринмаган аёл ноласини эшитишга фурсат йўқ эди. Натижада, аёлнинг пешонасига ботган иккинчи ўқ туфайли унинг айтолмаган армонлари очиқ кўзларида абадий қотиб қолади...

Уй ёпиқ айвонли бўлганлиги сабаб ичкари хоналарда рўй бараётган хунрезлик ва тўс-тўполон ярим тунда қўшни уйларгача етиб бормаслигига кўзи етган қотиллар жирканч ниятларини амалга ошириш учун тахминан неча кишининг умрига завол бўлишларини олдиндан жуда яхши билишган кўринади. Уларнинг А. Кенжаев хонадонига ярим тунда бостириб киришдан аввал ўзлари билан ўн дона жанговар ўқ олишлари ҳам буни исботлаб турибди. Қолаверса, ярим соат вақт оралиғида ўта совуққонлик билан бутун бошли бир оилани қириб ташлаш учун ҳар қандай жиноятчи аввало бунга руҳан тайёр бўлиши керак. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, амакиваччаларнинг ушбу қилмишлари ҳам тасодифий бўлмай, балки узоқ тайёргарлик кўрилган, ўзлари содир этажак жиноят кўлами ва оқибатини олдиндан англаган ҳолда шунга руҳан тайёрланган чиқадилар. Бу уларнинг бегуноҳ норасида гўдакларни ҳам шафқатсизларча отиб ўлдирганларида яққол кўриниб турибди.

Эр-хотин Кенжаевларни ўлдиргач, қотил ўша тунда чироқлар ўчирилганлиги вазиятидан келиб чиқиб (жиноятчилар тунги қўл фонарларидан фойдаланишган) ҳеч бўлмаганда болалар ҳаётига дахл қилмай ҳам мақсадга эришиши мумкин эди. Бироқ аввалдан ўйланган режа бунга йўл қўймасди, бинобарин, бу хонадонда рўй бераётган жиноят изи (тирик гувоҳ) қолмаслиги лозим эди. Шунинг учун қотил ичкари хобгоҳда, ота-онаси бағрида ширин уйқуда ётган саккиз яшар Заринани ҳам бош қисмига отиб унинг мурғак умрига зомин бўлади. Фақат тасодиф туфайлигина зулмат қоронғулигида кўрпа қатида қолган уч яшар Зебинисо ўлим чангалидан омон қолган.

Ички ётоқхонадан қонга ботиб чиққан қотил болалар хонасига ўтган чоғда айвонда қолган Шерали безовта бўла бошлайди ва Турсун бобонинг уйида қандайдир шарпа кўринаётганлигини айтиб, тезроқ ишни охирига етказишга шоширади. Шу фурсатда шовқиндан уйғониб қолган оиланинг катта фарзанди Абдуқодир: "Тоҳир ака, (Тоҳир — Улуғбекнинг иккинчи исми) сизни танидим, нима қиляпсиз?!" дея қотилга ташланишга ҳаракат қилади. Бундай ҳолни кутмаган жиноятчи шошганча тепкини босади, бироқ ўқ хато кетганлигини кўриб, ўрнидан турган Абдуқодирнинг пешонасига милтиқ қўндоғи билан кетма-кет қаттиқ зарба беради... Орадан 5-6 сония ўтар-ўтмас акасининг додлаган овозидан чўчиб уйғонган Абдуқодирнинг укаси Ҳумоюн ҳам қаншарига теккан ўқдан қотил оёқлари остига жонсиз йиқилади.

Жиноятчилар жирканч ниятларини амалга ошириб бўлгач, қўл фонари ёрдамида бутун уйни остин-устун қилишади. Беш нафар бегуноҳ умр заволи эвазига қўлга киритилажак бойлик шундоқ оёқлари остида эди гўё. Аммо барчаси зое кетди. Негаки, олис хориждан кутилган ўша пуллар ҳали етиб келмаганди...

Арафа тонги хабарини бериб қўшни ҳовлидаги хўрозлар учинчи марта қичқирган паллада қўллари инсон қонига беланган шафқатсиз қотиллар ўғирланган 400 минг сўм пул ҳамда "DAEWO" русумли видеомагнитафонни олиб, Кенжаевлар хонадонини шошилинч тарк этишади. Негаки, улар тонг бўзаргунча жиноят изларини яширишга улгуришлари керак эди. Бироқ икки нобакор қотиллар бир нарсани — бу дунёда ҳар қандай жиноят учун эртадир-кечдир жазо муқаррар эканлиги, ҳеч бир жиноят изсиз қолиб кетмаслигини унутишган эди, чоғи.

... Қотиллар мўмай бойлик орттириш ниятида ушбу жиноятга қўл урганлари тўғрисидаги дастлабки тахмин илгари сурилгач, тезкор-тергов гуруҳи аъзоларини ўша куниёқ биринчи навбатда, яқин қўни-қўшнилар, аввал майда жиноятчилик ва безориликда гумон қилинган маҳалладошлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар қизиқтира бошлайди. Хусусан, воқеа содир бўлишидан икки йил муқаддам Турсун Кенжаев ўз уйида бўлган ўғриликда яқин қўшниси Х. Жўраевнинг ўғли Шералидан гумон қилиб туман ИИБ га мурожаат қилгани ҳам эътибордан четда қолмайди. Натижада, дастлабки гумондор сифатида сўроқ қилинган Шерали Жўраевнинг уйи тинтув қилинганда уйнинг чардоғидан А. Кенжаевга тегишли видеомагнитафон топилади. Эртасига эса шу ҳовлининг ҳожатхонасидан жиноятни амалга оширишда фойдаланилган, бўлакларга бўлиб ташланган ТОЗ-8-М русумли ўқотар қурол, ўқдан бўшаган гилзалар чиқариб олинади. Кейинчалик экспертиза хулосаси А. Кенжаев уйи деразасидан олинган бармоқ излари Ш. Жўраевга тегишли эканлиги, марҳумлар баданидан ва жиноят жойидан топилган ўқлар, ҳожатхонадан топилган гилзалар бўлакларга бўлинган худди шу қуролдан отилгани; ҳожатхона яқинида аниқланган металл кукуни эса жиноят қуроли сифатида ишлатилган ов милтиғи стволи қирқилганда тўкилгани, худди шундай кукун ствол ичидан ҳам топилганлигини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан асослаб беради.

Шундай бўлса-да, ҳар икки қотил тергов-суриштирув, шунингдек, суд тергови давомида имкон қадар ўз қилмишларини яширишга, ўта оғир жиноят учун кутилаётган жазодан қутилишга уринишарди. Улардан бири — Улуғбек Жўраев эса ушбу жиноий ишда шерик бўлганлигини умуман тан олмади ҳам. Бироқ хайриятки, яшаб қолишидан деярли умиди бўлмаган, ҳатто жиноятчилар аллақачон "ўлди"га чиқарган Абдуқодир Кенжаевнинг шифокорлар ҳаётга қайтаришга эришадилар. Гарчанд у бир умрга ногирон (кўзи ожиз) бўлиб қолган бўлса-да, ўша мудҳиш кечада ички ётоқхонадаги шовқиндан уйғонган чоғда қоронғу бўлишига қарамай Улуғбекни таниб қолгани, ҳатто уни иккинчи номи билан атаб чақиргани, ўқотар қурол айнан унинг қўлида бўлгани, унга қарата ўқ отган, кейинчалик милтиқ қўндоғи билан урган ҳам Улуғбек эканлиги ҳақида судда ўз оғзи билан кўрсатма беради. Иккала жиноятчилар ҳар қанча уринишмасин, тергов-суриштирув органи ва экспертлар гуруҳи томонидан тақдим этилган экспертиза хулосалари, далилий ашёлар, шунингдек, муқаррар ўлимдан омон қолган, амалга оширилган мудҳиш жиноятни ўз кўзи билан кўрган ягона гувоҳ Абдуқодир Кенжаевнинг берган кўрсатмалари олдида бош эгишга мажбур бўлишади. Оқибатда, суд ҳар икки қотилнинг қилмишларига нисбатан жазо белгилашда ушбу жиноятнинг ўта шафқатсизларча амалга оширилгани, ҳатто гўдак болалар, вояга етмаганларга ҳам шафқат қилишмагани; бойлик ва шахсий манфаат йўлида жамият учун энг оғир саналган, бир неча бегуноҳ инсонларнинг ўлимига олиб келувчи жиноят сифатида малакалаб унга кўра Улуғбек Жўраевни олий жазо — ўлим жазосига, Шерали Жўраевни 20 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этди.

Қилмиш — қидирмиш. Адолатли қонунларимиз яна бир мудҳиш жиноят учун жазо белгилади. Бироқ ҳар қанча адолатли бўлмасин, бу жазо бир кечада тўрт нафар оила аъзосидан айрилган, ғам-андуҳ қаддини дол қилган ота кўнглига таскин бўла олармикан? Юракларда армон бўлиб чўккан орзуларни қайта рўёбга чиқара олармикан? Ёхуд бир умр ногирон бўлиб қолган ноёб истеъдод соҳиби Абдуқодирга кўзларини қайтариб берармиди?..

Баъзан ўз муаммоларимизга ўралашиб қолган биз катталар фарзандларимизнинг юриш-туриши, одоб-ахлоқи ҳақида ўйламай қолганимиз; маҳалладошимиз ноқобил йўлдан кетаётганлигини била туриб бепарволик қилганимиз; миллий қадриятларимиз ва ахлоқимизга тўғри келмайдиган маиший бузуқлик, зўравонлик тарғиб этилган беҳаё фильмларни болалар билан қўшилишиб оила даврасида томоша қилишга кўникиб қолганимиз улуғбегу шералисифатлар кўпайиши учун замин бўлмаяптимикан, деган мушоҳадага борасан киши. Ахир маҳалла-куй, жамият олдида турган ана шу оддий ва бир вақтнинг ўзида жуда муҳим талабга амал қилишганида, балки қилмишлари юқорида тилга олиб ўтилган икки нобакор фарзанд ота-оналари юзини ерга қаратмаган, бинобарин, ўзгалар ва ўзларининг ҳаётларини барбод қилмаган бўлармидилар?..

Дарвоқе, яқинда ушбу жиноий иш юзасидан Сурхондарё вилоят суди чиқарган ҳукмни апеллация тартибида кўриб чиққан жиноий ишлар бўйича Қашқадарё вилоят суди уни ўзгаришсиз қолдирди. Ш. Жўраевга амнистия қўлланилиб 11 йил озодликдан маҳрум этилди.

Демократик жамият — ижтимоий макон

Бугунги кунда демократия ижтимоий-сиёсий ҳаётда тобора ёрқин қиёфага эга бўлиб бормоқда. Дунёнинг кўпгина давлатлари тажрибасида синалган демократик тартибот йигирманчи аср сўнггида инсонларнинг хоҳиш-истаклари, орзу-умидлари, жамиятда эркин фаолиятини рўёбга чиқарувчи мезон бўлиб майдонга чиқди.

Демократия сиёсий бошқарувнинг энг қадимий шаклларидан бири бўлиб, у уч минг йиллик давлатчилик тарихи давомида гоҳ юксалди, гоҳ заиф сиёсий тартиб деб баҳоланди. Шу билан бирга тарихий тараққиёт давомида мазкур тушунча шаклан ва мазмунан бойиб борди.

Демократик жамият халқни ҳокимият манбаи деб билувчи, тенглик тамойилига асосланган эркин ижтимоий макондир. У халқ билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини белгилайди. Халқнинг давлат ва жамият ишларида қанчалик фаол иштирок этиши жамиятдаги демократик ҳолат билан бевосита боғлиқ.

Демократияда бошқа давлат шаклларидан фарқли ўлароқ, кўпчиликнинг ҳукмронлиги, фуқароларнинг тенглиги эълон қилиниб, қонун устуворлиги сўзсиз тан олинади. Тарих тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги мавжуд давлатларнинг аксарияти демократик бошқарувни мақбул кўришлари, юқорида тилга олганимиз, эркинлик тушунчаси билан боғлиқ.

Юнон файласуфи Афлотуннинг таъкидлашича, "Қаерда қонунлар кучга эга бўлмаса ёки кимнингдир ҳукми остида бўлса, ўша жойда давлат ҳалокатга яқин. Қаерда қонун ҳукмдорлар устидан ҳукмрон, ҳукмдорлар қонунлар қули бўлса, ўша жойда давлат равнақ топади".

Ҳуқуқий демократик жамият барпо этаётган Ўзбекистонда ҳам қонун устуворлиги бирламчидир. Бунинг моҳияти шундаки, у ҳар бир фуқарога бирдай имконият яратади. Фикримиз тасдиғи сифатида илк бора қонунлар чиқарган Бобил шоҳи Хаммурапининг "Мен бу қонунларни қудратлилар заифларни забун этмасин дея жорий қилдим" деган сўзларини эслашнинг ўзи кифоя.

Сўз, фикр, эътиқод эркинлигини рўёбга чиқариш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётига бевосита кириб бориши, ҳокимият идораларининг сайлаб қўйилиши ҳамда фуқаролик жамиятининг шаклланиши қонунлар йўл очиб берган имкониятлар билан боғлиқ.

Бу ҳақда фикр юритганда, ривожланишнинг "Ўзбек модели"да асосий тамойилларидан бири сифатида жамиятнинг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш алоҳида эътироф этилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳуқуқий демократик жамият барча учун бир хил бўлган ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга таяниши билан маъмурий-буйруқбозлик тизимидан фарқ қилади.

Мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятида фақатгина қонунга бўйсуниш, унга итоат этишни маданият даражасига кўтариш фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигининг юксалиб боришига таянади. Бу жараёнда қонун устуворлигини билишнинг ўзи кифоя бўлмай, қонунни олий ҳакам деб қабул қилиш, қиқидилдан бўйсуниш ва у йўл қўйган чегарадагина ҳаракат қилиш ҳам жамиятдаги демократик тараққиётни белгилайди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан демократик ва қонун устуворлиги мутаносиблиги қуйидагича таърифланади: "Биз учун демократик жамият ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топишига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади, айни пайтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қилади".

Сир эмаски, демократия барчанинг қонун олдида тенг ҳуқуқли эканини эълон қилади. Шу маънода демократия халқ ҳокимияти эканлигининг асл моҳияти унда қонун ҳал қилувчи кучга эга бўлганлиги ва қонунларда барчанинг ҳуқуқлари тенглиги белгилаб қўйилганидир.

Баҳодир УЛАШОВ,
ЎзМУ фалсафа факультети магистранти

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».

Табиат

Яйдоқлик чорраҳасидаги ўйлар

Давоми. Бошланиши 2 май сонида.

Дадахон НУРИЙ

2. Замин қадри — зар қадри

Орадан кўп ўтмай Кореядан "совға" келди. Тароватбахш табиатнинг ёрқин бўёқларидан сайқал излаб катта маҳорат, нозик дид билан яратилган қарийб икки соатлик бу видеотасвир боғдорчилик мавзусида эди.

Унинг аввалидаги маълумотга кўра Корея республикаси ҳудуди 98,5 минг кв.км. (Ўзбекистон ҳудудидан қарийб беш баробар кичик). Шундан 76 фоизини тоғ-тош, яйдоқлик ташкил этади. Суғориладиган ер майдони мамлакат бўйича 6,5 фоиз холос... Шундай тақчилликка қарамай 36 миллионлик жанубий кореяликлар дастурхони ўзлари етиштирган боғдорчилик ноз-неъматларига тўкинлиги билан дунё ҳавас қилгудай олдинги ўринда туради.

Улар миришкорликнинг бундай юқори даражасига қандай эришганлар, сир нимада? Фильмни томоша қиларкансиз, бунинг жавоби оддийгина — ерни эъзозлаш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, қолаверса, меҳру меҳнатни ундан аямаслик эканлигига ишончингиз комил бўлади ва шуларнинг натижаси — ҳақиқий фаровонликка эш тароватбахш гўзаллик тимсоли бўлиб кўз олдингизда гавдаланади, ҳайратга солади.

Фильмда бирма-бир манзаралар ўта бошлайди: гавжум шаҳар оралаб оқувчи дарё, анҳор каби сув шохобчалари қирғоғини турли-туман ҳосилдор дарахтлардан иборат боғ-ҳиёбонлар эгаллаган. Меваларга бурканган шохлар ерга қадар эгилиб ётибди. Буларни кўриб, сайилгоҳ йўлакларидан кезган ҳар қандай одамнинг кўнгли ёришади, дили равшан тортади, табиатнинг сахийлигига, бетакрор саховатига имон келтиради, шундай заминнинг фарзанди эканлигидан вужудида ғурур учқуни чатнайди. Ватанга меҳр, унга фидойилик каби муқаддас тушунчалар энг аввало мана шу ботиний ҳис-туйғулар қатида ғунча очмайдими!.. Қолаверса ҳозирги давр

тала-тўпларидан инсон асаблари зиркираётган, жиловини узган эҳтиросларнинг жунбушга келаётган бир пайтда бундай ҳаловатбахш сўлимлик қанчалар зарур!

Тўғри, биздаги "технократлашиб" вужуди без бўлиб кетган "шаҳарсоз" мутасаддилар бу таъриф-тавсифлардан энсалари қотиб, бепарвогина қўл силтаб қўйишлари аниқ. Бу жаноблар учун дунё тараққиёт бешигини тебратиб турган уддабурон японларнинг ризқ-рўз ҳамда бетакрор нафосат рамзи сифатида шафтоли, олча дарахтлари гуллаган кунни алоҳида байрам сифатида нишонлашлари ҳам "бош қотириш"га арзимас ортиқча "машмаша" бўлиб туюлиши мумкин.

Шундай бўлса-да, корейс дўстлар тасвирга туширган фильм манзаралари одамни ўйлантириб қўяди: беихтиёр Тошкент оралаб оби ҳаётнинг қон томирлари мисол оқиб ўтувчи 26 та канал, анҳор ва катта-кичик ариқлару сув ҳавзалари қирғоқларини қоплаб ётган қарағай, заранг, акация, чақир тиканакли "гладечие" (уларнинг турини санаб, саноғига етолмайсиз!) каби дов-дарахтлар кўз олдингизда гавдаланиб кетади... Уларда эса... унча гавжум бўлмаган шаҳар кўчалари атрофи, ҳовли ҳамда кўплаб маҳкама бинолари олдидаги яланглиқлар, йўлаклар бўйидаги ҳар хил сопол тувак, турли новдалардан тўқилган йирик четан "яшик"ларга ўтказиб парваришланаётган нок, олма, шафтоли, олча ҳатто анор тупларини кўриб, ўзимиздаги "манзара"ларга солиштиргинг, беихтиёр ички бир энтикиш билан "Жаннат макон деб аталувчи еримиз шу қадар ҳосилсизликка маҳкум этилганми?" деб юборгинг келади... Абдулла Қаҳҳордай одам бу заминни "Кузда деҳқон кетмонини далада қолдирса, баҳорда унинг дастаси гулга кириб, ёзда мева беради", деб таърифлаган эди-ку!

Табиатнинг бўйнига сиртмоқ солгандай азалий қиёфасини мажбуран "ўзгартириш"га уриниш инсониятни унинг олдидаги жуда катта хатоларидан эканлиги маълум бўлиб, ҳозирги акс-садолар кўпчиликни гангитиб қўйди, жабрини бутун ер юзи тортмоқда.

Ўзимиздан қиёс: дала-боғларимизга мўр-малахдай ёпирилиб мислсиз зиён-заҳмат етказаётган, ҳатто ўз жинсдошларини ҳам инларини бузиб, бир неча турининг "тухумини қурутиб" улгурган "Афғон қуши" аталмиш очофат қузғунни қайсидир "орнитолог" олим чорва молларининг "санитари" сифатида бизда кўпайтириш режасини татбиқ қилган дейишади... "Чўлларни бўстонга айлантириб, мамлакатга мўл-кўл пахта етказиб берамиз" шиорнинг қурбони бўлган Орол фожеасини айтмай қўя қолайлик.

Шри-Ланка мамлакатида дунёдаги энг катта ва кўҳна "Қироллик ботаника боғи" бор. У ерда курраи заминнинг барча минтақаларига хос минглаб тур дов-дарахт, буталарни кўришингиз мумкин. Уларнинг ҳар бири алоҳида жой, мустаҳкам ҳимоя "девор"и билан иҳоталанган. Айниқса, мураккаб иқлимли шимол ўлкаларидан келтирилган дов-дарахтлар қаттиқ назорат остига олинган. Айтишларича, улар шарт-шароитга тез мосланувчан ва тез кўпайувчан бўлади. Айниқса, мўътадил, иссиқ иқлимли жойларни тезда эгаллаб, азалий табиат оламига ўнглаб бўлмас зарар етказиши мумкин.

"Вокруг света" журналида шундай хабар босилган: Африканинг одам оёғи етмас чангалзорларида яшовчи энг ибтидоий қабила топилади. Кўп ўтмай у ерга "миссионерлар" (диндиёнат пешволари) етиб келишади. "Дунёбехабар" қабила ҳаётини яхшилаш учун кўп хайрли ишлар бошлаб юборилади. Ҳатто маданий ҳаётнинг рамзи сифатида "тараққий этган дунё"дан дарахтлар ҳам келтирилиб ўтказадилар. Охир-оқибат шу "маданий" дарахтлар ҳамма ёқни босиб кетади, қабиланинг азалий емиши бўлиб келган "баоба" — "нон дарахт"лари касалликка чалиниб, қурий бошлайди. Қабила одамлари очлиқдан қирилиб кетади.

Санаб ўтилган шу мисолларнинг ўзи табиатнинг "ишлари"га ўзбошимчалик билан аралашаверишнинг хунук оқибати бўлган "бузулиш"нинг ўчли интиҳоси эканлигини сезиб турмоқдасиз!

Аввал бошдан маълумингиз бўлсинки, бу ерда гап ҳар бир гўшанинг ўз кўрки, файзи бўлган, умуман заминимизнинг яшиллик қалқони — ҳаётбахш мевҳари ҳисобланувчи ранг-ба-ранг дарахтлар ва уларга заррача монелик ҳақида эмас, мувозанат ҳақида, тарозининг меъёрий палласини чалғитиб юбормаслик ҳақида кетмоқда!

Дарвоқе, биздаги мавжуд дендрологик мувозанатни анча-мунча ўзгартириб улгурган совуқ иқлим "манзарали" дарахтларини оммавий кўпайтириш қачон ва кимлар томонидан бошланган деган саволга жавоб қуйидагича: бир пайтлар номи "Мингўрик" деб аталган Тошкентни қонга белаб босиб олган чор генераллари унинг қоқ марказидаги боғ ўрнида димоғимизга олисдаги ватан тафти уфуриб турсин, қолаверса, бу юртнинг нафақат халқи, табиати устидан ҳам қозонилган ғалабамиз рамзи бўлсин дея Россиянинг турли минтақаларида ўсувчи дарахтларни вагонларда келтириб, ўзига хос шимол "табиат салтанати"ни яратдилар, у "Сквер" деб аталди. Ва гўё бу "жаннатмисол боғ"да оламда йўқ тансиқ ноз-неъматлар етишади-ю, уни бошқалардан асрагандай дарвозалар ёнбошига "Сартлар ҳамда итларнинг кириши қатъий маън этилади" деган эслатма ёзиб қўйилди... Шунга қарамай лаганбардор айрим "сарт" тўралар бундай "сквер" — хиёбон барпо этишни ўзларича дунёвий янгилик амоли деб тушундилар ва бу "янгилик"ни тарғиб этдилар. Ўзимиздаги ранг-баранг мевали ҳамда роҳатбахш соя-салқин берувчи дарахтлар ўрнига "маданий"сини экиш ана шундан бошланди.

Айниқса, Октябрь тўнтаришидан кейин янада қонлироқ иккинчи босқични амалга оширган большевиклар шўроси даврида бу тадбирга хуфёна сиёсий тус берилди. Чунки мустабид тузумнинг асосий мақсади — "Ягона халқлар оиласи", "Ягона совет кишиси"ни барпо этиш бўлгани каби, табиий муҳитда ҳам бир қолипдаги "байналмилал"лик яратишга қаратилганди.

(Давоми келгуси сонда).

Нигоҳ

Зиёли қиёфасидаги сиёсатдон

Фаластин мухторияти бош вазири Исмоил Хония халқаро ҳамжамият ишончини қозона олармикин?..

Фаластин мухторияти бош вазири Исмоил Хония сиёсий даврларда ўта эҳтиёткор, бирор қарор қабул қилишда етти ўлчаб бир кесадиган, узоқни кўзлаб иш тутадиган арбоб сифатида танилган. Очиғи, ярим асрдан буён тинчлик ва осойишта ҳаёт ушалмас орзу бўлиб қолаётган фаластинликлар учун ҳозирги шароитда ҳукумат бошлиғи лавозимида Исмоил Хония каби муросасоз раҳбарнинг бўлгани — айни муддао. Сабаби, бугунги кунда Фаластинда иккита фронт юзага келган.

Собиржон ЁҚУБОВ

Бир томондан, мухторият азалий рақиби Исроил билан ўз тарихий ҳудудлари учун курашмоқда. Иккинчи томондан, мамлакатнинг ичида мухторият раиси Маҳмуд Аббос етакчилигидаги ФАТХ ва Исмоил Хония раҳбарлигидаги ХАМАС ҳаракатлари ўртасидаги ҳокимият учун кураш қуролли тўқнашув даражасига етган. Фуқаролар уруши остонасига келиб қолган жафокаш мамлакат учун бундай шароитда сулҳпарвар раҳбар жуда ҳам зарур. Кўплаб таҳлилчилар асли адабиёт профессори бўлган бош вазир Исмоил Хониянинг зиёли ҳукумат раҳбари сифатида мавжуд ихтилофни бартараф этишига умид билдиришган.

Исмоил Абдулсалом Аҳмад Хония 1962 йили Ғазо секторидаги қочоқлар лагерида дунёга келди. Келгусида Фаластин ҳукумати раҳбари бўлажак йигитчанинг болалик даври ғоят қайғули ва суронли даврларга тўғри келди. Исмоил Хония ҳам илк ватани бўлиб қолган масканда яқинларидан айрилди. Ғамқайғу, қийинчилик ва уқубатлар болакайни жуда эрта вояга етказди.

Тенгдош дўстлари болаликданоқ қўлга қурол олиб, озодлик курашига ҳозирлик кўра бошлаган пайтда Исмоил Хония илм йўлидан боришга аҳд қилди. Ўрта мактабни тамомлагач, бўлажак етакчи Ғазодаги ягона олийгоҳ Ислом университетининг адабиёт факультетига ўқишга кирди. Дорилфунундаги таҳсил даврида у илм қилиш баробарида сиёсий ҳаракатларда ҳам иштирок эта бошлади. Ўша пайтларда мустақил Фаластин давлати тарафдори бўлган ХАМАС ҳаракати эндигина ташкил этилган ва кенгайиб бораётган эди. Хония ҳам ана шу ҳаракатнинг сиёсий қанотига қўшилди.

Исроил ХАМАС ташкил топганидан то шу кунгача яҳудий давлатига ўзини душман деб эълон қилган ҳаракатга қарши аёвсиз курашиб келмоқда. Ана шу кураш тўлқини ХАМАС сафига кирган ёш олимни ҳам ўз гирдобига олди. Эндигина университетни битириб, шу ерда ўқитувчилик қилаётган Хония 1989 йили Исроил махсус кучлари томонидан қамоққа олинди. Уч йиллик маҳбусликдан кейин у Ливан жанубига сургун қилинди. Яна муҳожирлик ва қочоқлик ҳаёти бошланди.

1990-йилларда Исроил билан Фаластин ўртасида келишув битими имзолангандан кейин Хонияга ҳам ватанига қайтишга изн берилди.

Илм ва сиёсатни биргаликда олиб борган ёш етакчи ўзи таълим олган дорулфунун декани лавозимига тайинланди. Орадан кўп ўтмай профессорлик илмий даражасини олди. Шу тариқа Фаластинда зиёли қиёфасидаги сиёсатдон етиша борди.

Сургунлик ва маҳбуслик ҳаёти ҳам Хонияни сиёсий фаолиятдан четлаштиролмади. Эндиликда ХАМАС ҳаракатида фаол ва ошкора иштирок эта бошлаган адабиёт профессори ташкилот раҳнамоси Аҳмад Ёсин назарига тушди. Кўп ўтмай, Абу ал-Обид — Исмоил Хонияга ҳаракат раҳбари ана шундай лақаб берган эди — ХАМАС девонхонасига раҳбар этиб тайинланди.

Сир эмас, ХАМАС Исроил томонидан қўпорувчи ташкилот деб эълон қилинган ва расмий Тель-Авив ҳаракатга қарши аёвсиз қуролли кураш олиб бормоқда. Сабаби аён: ХАМАС ҳаракати ташкил этилган илк даврларданоқ яҳудий давлати жаҳон харитасида мавжуд бўлишига тиштирноғи билан қарши эканини эълон қилган. Умуман, ҳаракат етакчилари ҳар доим ҳам Исроилга қарши кескин чиқишлари билан эътиборда бўлиб келган. Бироқ қизиқ жиҳати, Аҳмад Ёсиннинг ишонган одамларидан бўлган Исмоил Хония бирор марта ҳам Исроилга қарши очиқ-ошкора баёнот бермаган. Ўта эҳтиёткор ва сўз санъаткори бўлган сиёсатдон ҳар доим "Фаластин давлатини ташкил этиш", "оккупацияни тўхтатиш" каби қўшнилар жаҳлини чиқармайдиган умумий талаблар билан чекланган. Балки шу боисдир, Исмоил Хония ҳар дақиқа ХАМАС етакчиларини маҳв этишга тайёр турган Исроил ракеталаридан зарбасидан омон қолди. 2004 йили ХАМАСнинг асосчиси ва раҳнамоси Аҳмад Ёсин Исроил ракетаси зарбасидан ҳалок бўлди. Орадан бир неча ой ўтгач, ташкилотнинг янги раҳбари Абдулазиз Рантисий ҳам маҳв этилди. "Фақир киши панада" қабилида узоқни кўзлаб иш тутган Хония эса ҳар доим зийрак ва синчков Исроил жосуслари назаридан четда қолаверди.

2006 йил Исмоил Хония ва ХАМАС ҳаракати учун катта ўзгариш ҳамда ғалабалар даври бўлди. Йил бошида мухторият қонун чиқарувчи идораси — парламент учун ўтган сайловда кутилмаганда ХАМАС ҳаракати ғалабага эришди. Ҳукуматни Ёсир Арофатнинг узоқ йиллик бошқарув давридан буён идора қилиб келаётган ФАТХ ҳаракати илк бор мағлубиятга учради. Парламентда асосий ўринни эгаллаган партия сифатида ХАМАС ҳукумат таркибини ҳам шакллантирди. Ҳаракат аъзолари бир овоздан бош вазир лавозимига "олтин ўрталиқ" сиёсатчиси бўлган Исмоил Хонияни кўрсатишди.

Тўғриси, қўпорувчи ташкилотлар рўйхатига мустаҳкам бириктирилган ХАМАС ҳаракатининг қонуний сайловда ғалабага эришгани дунёнинг етакчи давлатларини бироз саросимага солиб қўяёзди. Пировардида, АҚШ ва Европа давлатлари эски ҳулосада қолди: Исмоил Хония маъмурияти қўпорувчи ҳукумат деб эътироф этилди ва Фаластинга берилаётган молиявий ёрдам ҳам тўхтатилди.

Фаластин халқаро ҳамжамият томонидан яккалаб қўйилганидан кейин мухториятда янгидан миллий бирлик ҳукумати тузилди. Пировардида, ХАМАС ва ФАТХ ҳаракати аъзолари ҳамда партиясиз арбоблардан ташкил топган миллий ҳукуматига ҳам Исмоил Хония раҳбар сифатида танланди.

Абу ал-Обид лақабини ўз устозига эҳтиром рамзи сифатида ҳамон сақлаб келаётган бош вазир асли Фаластиннинг янги авлод сиёсатдонлари гуруҳига киради. Исмоил Хония шу боис ҳукуматни шакллантиришда ҳам Ёсир Арофат даврида қолган "эски гвардия" вакилларини имкон қадар четлатиш ва янги авлод етакчиларини танлашга эътибор қаратди. Бир неча ўн йиллардан буён мухториятнинг раҳбар лавозимларини эгаллаб турган кекса арбобларнинг ҳокимиятдан четлаштирилиши эса уларни янги бош вазирнинг душманларига айлантирди.

Ҳозирги кунда Исмоил Хония ғоят мураккаб вазиятга тушиб қолган. Бир томондан, мухторият раиси Маҳмуд Аббос билан ўртадаги келишмовчиликларни бартараф этиш зарур бўлса, иккинчи томондан, халқаро ҳамжамиятни у тузган ҳукумат жангарилар ҳокимияти эмаслигига ишонтириш ва донор давлатларнинг Фаластинга кўрсатаётган молиявий ёрдамларини тиклаш талаб этилади. Боз устига, усиз бир қадам ҳам олға силжиш имконсиз бўлган Исроил билан расмий музокараларни қайта бошлаш лозим.

Тафсилот

Бугунги кунда интеллектуал мулк соҳасидаги муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этиб бораяпти. Жаҳоншумул кашфиётлардан тортиб оддий мусиқа намуналарига қадар — муаллифлик ҳуқуқи асосида ҳимояланадиган асарларнинг қароқчилик йўли билан тарқатилиши ҳозирги кунда бутун дунё миқёсида авж олган. Яқинда АҚШ савдо вакили Сюзан ШВАБнинг айни шу муаммога бағишланган мақоласи эълон қилинди. Қуйида ана шу материал қисқартирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола этиляпти.

Интеллектуал мулк қароқчилиги

унга қарши кураш учун ҳамкорликни кучайтириш керак



Билим Американинг асосий иқтисодий манбаларидан бири саналади. У туганмас ва қудратли кучга эга. Айни пайтда мамлакатнинг интеллектуал мулк шаклидаги манбалари барча корпорацияларнинг тўртдан бири сармоясини ёхуд 5 триллион долларни ташкил этади.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти бош директори Комил Идрис таъбири билан айтганда, интеллектуал мулк барча ихтиро ва янгиликлар, ижод намуналари униб чиқадиган уруғдир.

Ғоялар билимлар двигатели учун ёқилғидир. У эса ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий юксалишини таъминлайди. Ана шу ғояларга асосланган интеллектуал мулк Американинг ҳам, бошқа ҳамкор давлатларнинг ҳам савдо қудратини мустаҳкамлайди. Янги уруғ нави, янги маҳсулот, бирор бир муаммонинг ечими, маҳсулотнинг сир тутилаётган рецепти — буларнинг бари иқтисодий рақобатда муҳим ўрин тутади. Буларнинг барчаси интеллектуал мулкдир.

Афсуски, кимнингдир ижод намунаси, билим кучидан ўғринча фойдаланиш кучайиб кетган. Қароқчилар ва сохта маҳсулот ишлаб чиқарувчилар қалбакилаштириш ва ўғринча фойдаланишни афзал билишади. Бу эса мамлакат иқтисодига жуда катта зарар келтиради.

Интеллектуал мулк соҳасида кучли муҳофаза ва фаол ҳуқуқ-тартибот чора-тадбирлари кўриш керак. Бу илм кучига таянган глобал иқтисодий тизим ривожланиши учун муҳимдир. Мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф этиш учун самарали савдо сиёсати олиб бориш лозим. Ушбу сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири интеллектуал мулк соҳасидаги энг элементар талаблар ижросини таъминлашдан иборат. Мазкур талабларни бажариш мажбурияти Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган. Масалан, апрель ойида АҚШ ЖСТга ана шу талабларни бажармаётган Хитой билан музокаралар олиб бориш борасида мурожаат қилди.

Албатта, юқорида зикр этилган минимал талабларни бажарилишига эришиш осон кечмаслиги аниқ. Шу боис ҳам, жаҳон мамлакатлари бу борада ҳамжиҳат ва ҳамкор ҳолда ҳаракат қилиши талаб этилади. Токи ЖСТ томонидан интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича қўйилган стандартлар ижроси таъминлансин.

Мисол учун, АҚШнинг эркин савдо тўғрисидаги битими мамлакатнинг интеллектуал мулк соҳасидаги сиёсатини ифодалайди. Мазкур битим интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш борасидаги асосий талабларни ўз ичига олади.

Дунё давлатларидан, масалан, Марокашда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича илғор тизим яратиляпти. Сингапур компьютер қароқчилигини жиноий иш сифатида жазога торта бошлади. Марказий Американинг Сальвадор давлати эса интеллектуал мулк қароқчилигига қарши йирик рейдларни ўтказяпти. Буларнинг бари айнан эркин савдо тўғрисидаги битимлардан келиб чиқиб кўрилаётган чора-тадбирлардир. Яқиндагина Корея, Панама, Перу, Колумбия каби давлатлар билан имзоланган битимлар ҳам ана шу тенденцияни давом эттиради.

Бу борада асосий эътибор Хитой ва Россияга қаратилиши шубҳасиз. Яқинда Хитой муаллифлик ҳуқуқини интернетда ҳимоя қилиш бўйича шартномага қўшилди. ЖСТга киришга интилаётган Россия эса интеллектуал мулк борасидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олган.

АҚШ маъмурияти томонидан «Уюшган қароқчиликка қарши кураш стратегияси» ишлаб чиқилган. Ушбу дастур доирасида ҳуқуқ идоралари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик давом этади. Бу борадаги ҳаракатлар самара бериш учун доимий савдо сиёсатини йўлга қўйиш, ҳамкор давлатлар ўртасида интеллектуал мулкни муҳофаза қилувчи битим ва шартномаларни қабул қилиш керак. Шу билан бирга ушбу муаммога «Катта саккизлик» каби йирик халқаро саммитлар даражасида эътибор қаратиш ҳам зарур.

Абдул СОБИР
тайёрлади

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР
GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

Охирги йилларда Ўзбекистонда сезиларли иқтисодий юксалиш кузатилмоқда. Бу эса аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар олиб бориш имконини беради. Хабарингиз бор айни пайтда мамлакатимиз ҳукумати Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, БМТ Ривожланиш дастури каби бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда.

Илмий тадқиқотлар баҳоланди

Center for Economic Research

Айни шу йўналишдаги тадбирлардан бири ўтган ҳафта Тошкентдаги «Гранд Орзу» меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Жаҳон банки ҳамда Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан ташкил этилган илмий-амалий семинар «Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлигини оширишнинг устувор йўналишлари» мавзусига бағишланди.

Жаҳон банки мазкур йўналишдаги илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида грант ажратган эди. Ана шу грант доирасида ўтган йилнинг июлида илмий тадқиқотлар бўйича танлов ҳам эълон қилинганди. Илмий-амалий семинарда мазкур танловнинг натижалари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида мамлакатимиз аҳолисининг яшаш даражасини баҳолаш, меҳнат миграцияси, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги вазият, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш каби тўрт йўналишдаги илмий тадқиқотлар кўриб чиқилди. Мазкур изланишлардан аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида амалий фойдаланиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Тадбир якунида аҳолининг яшаш даражаси бўйича изланишларни такомиллаштириш борасида республикамиздаги илмий тадқиқот институтларига тавсиялар берилди. Шунингдек, мазкур соҳадаги келгуси илмий изланишлар мавзуси белгилаб олинди.

Олим ЙЎЛДОШЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Аҳвол

Аттестация

ундан қандай мақсадда фойдаланилади?

Вазирлар Маҳкамасининг бир мажлисида мана шундай рақамлар тилга олингани ҳамон қулоғимнинг остида турибди: "Биргина 2006 йилнинг ўзидагина 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежи қуриб фойдаланишга топширилди, 8,7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ўқув лаборатория жиҳозлари харид қилинди".

Орзумурод ҲАМРОЕВ

Дарҳақиқат, 1997 йилдан буён ўтган 10 йил мобайнида таълим соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар ўрта мактабларимизнинг, қурилаётган янги лицей ва коллежлар қишлоқларимизнинг қиёфасини тамоман ўзгартириб юборди. Мактаб ва коллежларда қўлланилаётган ўқитишнинг янги усул ва технологиялари, фойдаланилаётган ўқув жиҳозлари, лаборатория дастгоҳлари, спорт анжомлари ҳар бир ўғил-қизда ўқишга рағбат пайдо қилади. Аксарият ҳолларда шундай бўляпти ҳам. Бугунги кунда туманимиз мактаблари, турли хил соҳадаги касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшлар қўплаб ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таълим, тиббиёт, ҳуқуқ-тарғибот тизимларида ишламоқдалар.

Юзлаб ёшларимиз Осиё ва Европа мамлакатларида ўзларининг нимага қодир эканликларини намойиш этмоқдалар. Албатта, бундай муваффақиятларга ўқиш учун яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиб, ўқишга астойдил интилаётган таълим даргоҳларида эришилмоқда.

Аммо гоҳида ана шундай табаррук илм даргоҳларида ҳам кўнгилни хира қилувчи ҳолатга дуч келасизки, буни барча илм аҳли юзига оёқ босиш билан қиёслаш мумкин холос. Яқинда ана шундай ҳолат билан рўбарў келиб, кўнглим шунчалик хира тортдики, гап қайси илм даргоҳи ва ким ҳақида эканлигини маълум қилишдан ўзимни тийиб бу ҳақда ёзишга жазм этдим.

Хизмат вазифам туфайли қўлимга туманимиздаги касб-ҳунар коллежларидан бирида ишловчи шахснинг (мен у одамга мутахассис ёки ўқитувчи унвонини раво кўрмаган бўлар эдим) ўзи ҳақидаги анкета маълумотлари тўлдирилган ҳужжати тушиб қолди. Лавозими деб ёзилган жойга "колез ўқтувчи" деган сўзлар битилибди. Қаерни тамомлаган деган саволга эса "касб-ҳунар кўлежи" деб жавоб берибди. Энг қизиғини эса унинг фамилиясига эътибор берганимда кўрдим: фамилияси одатдаги -ов қўшимчаси ўрнига -оф билан якунланган. Нақ Шварцкоффнинг ўзи, дейсиз.

Бу фактларни маълум қилишдан мақсад бировларни шарманда қилишми, дегувчилар ҳам топилади. Агар мақсадим шундай бўлганида эди, мен анкетани тўлдирган шахснинг имзоси билан тасдиқланган маълумотномаларни очиқ-ойдин ёзган бўлар эдим. (Қолаверса, саводсизларча анкета тўлдирган одам ўзини-ўзи шарманда қилиб бўлган-ку).

Буларни ёзишдан мақсадим, айрим билим даргоҳларида ўқитувчиларнинг билими даражасига мутлақо эътибор қилмай ишга қабул қилинаётганига диққатни қаратишдир.

Бундай ҳолларда қандай омил ҳал қилувчи рол ўйнаётганини мен айтмай қўя қолай, буни ўзингиз ҳам тушуниб турибсиз.

Кейинги йилларда корхона, муассаса ва ташкилотларда аттестация деб номланган бир тадбир одат тусига кирдики, ишга ноқобил, билими ёки иш малакаси етарли бўлмаган шахслардан қутулишда шу йўлдан фойдаланилади. Аммо, буни қарангки, айрим ҳолларда аттестациядан юқоридаги мақсадларга эмас, балки мустақил фикрловчи, ишига билиб ёндашадиган ва шу туфайли ишда ҳар хил таъмагирлик ва бошқа қинғир ишга йўл бермайдиган ходимлардан қутилиш учун фойдаланса бўлар экан. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай аттестацияга гувоҳ бўлдим.

Унда туманимиздаги муассасалардан бирининг ходимлари аттестация қилинди. Аттестация комиссиясига 13 нафар мутахассисларнинг ҳужжатлари тақдим этилган бўлиб, уларнинг 2 нафари олий маълумотли, 10 таси ўрта-махсус ва 1 таси ўрта маълумотга эга эди. Аттестация натижасига кўра 1 нафар олий маълумотли мутахассис аттестациядан ўтказилмади, иккинчи олий маълумотли мутахассис шартли равишда ўтказилди. Қолганларга эса эътироз бўлмади. Хулоса чиқариш сизга ҳавола.

Энг қизиғи, аттестациядан кейин юз берди. Аттестациядан ўтмади деб баҳо олган мутахассис ўзининг билими ва иш тажрибаси бундай баҳодан юқори эканлигини 1 ҳафтадаёқ исботлаб бера олди. Орадан бир неча ой ўтиб аттестациядан шартли ўтказилган мутахассиснинг ҳам лавозими кўтарилди.

Мутахассисларнинг билимига мана шундай латифанамо тарзда муносабатда бўлишни бугунги кунда ҳар қадамда учратиш мумкин. Бундай аҳвол бизни ўйлантириши керак бўлган ҳолда, кўп ҳолларда бунга лоқайдларча муносабатда бўлиб қолаверамиз. Менимча, жамият тараққиётини илм-фанга бўлган муносабат белгилаётган бир вақтда бу ҳақда очиқ-ойдин гапириш ғоят зарурдир.

Даракла р

Қаззофий миш-мишларни рад этди

Ливия раҳбари Муаммар Қаззофий душанба куни Италия бош вазири Романо Продига қўнғироқ қилди ва саломатлиги яхши экани, оғир аҳволда шифохонада ётгани тўғрисидаги овозалар асоссиз эканини маълум қилди.

Бу ҳақда Италия ҳукумати расмий вакили журналистларга ахборот берган. Эслатиб ўтамиз, якшанба куни бир қатор оммавий ахборот воситаларида Муаммар Қаззофий ҳушсиз ҳолда шифохонада ётқизилгани ва кома ҳолатида экани тўғрисидаги хабарлар тарқалган эди. Шунингдек, Ливия раҳбарининг аҳволи оғир экани маълум қилинган хабарларда унга мия қон айланишининг бузилиши ташхиси қўйилгани айтилган эди.

Италия ҳукумати раҳбари билан суҳбатда бу каби миш-мишларни рад этган Ливия етакчисининг ўзи саломатлиги жуда яхши эканини таъкидлаган.

Тайваннинг янги бош вазири

Тайвань президенти Чэнь Шуйбянь мамлакат ҳукумати раҳбарлигига Чан Чунь-сюнни тайинлади. Янги бош вазир шунингдек, Хитой билан иқтисодий алоқалар олиб боришга масъул бўлган жамғармага ҳам бошчилик қилади.

Шу кунга қадар бош вазир вазифасини бажариб келган Су Цен-чан 12 май куни демократик ривожланиш партия аъзолари ўртасида ўтказилган ички сайловдаги мағлубият туфайли истеъфога чиқди.

Тайвань президенти янги бош вазир Хитой билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшишига умид билдирди. Бу ўринда гап Хитой сайёҳларини Тайванга кўпроқ жалб этиш ва авиация орқали юк ташиш кўрсаткичларини ошириш хусусида бормоқда.

Тайвань айни пайтда расман Хитой таркибидаги республика саналса-да, амалда мустақил субъект ҳисобланади. Орол 1949 йили Хитойда Гоминьдан партияси мағлубиятга учрагандан кейиноқ алоҳида маъмурий ҳудуд сифатида ажралиб чиққан эди. Расмий Пекин иқтисодий ривожланиш даражаси ўта юқори бўлган оролнинг мустақиллигини тан олмайди ва уни Хитой давлатининг таркибий қисми деб билади.

Дилноза МИРЗАИТОВА
тайёрлади

Кадр

Қалъалар тилсимини очган олим

Сергей Павлович Толстов Хоразм воҳаси ва унинг кўз қорачиғи ҳисобланган Хиванинг узоқ йиллик ўтмишини ўрганишда катта хизматлар қилган.

— Мен ўрганган 300 га яқин қалъалар ичида ҳаётини давом эттираётган ва яшаб қолиши муқаррар қалъалардан бири бу — Хива, — дея эътироф этган эди С. П. Толстов. — Бироқ бунинг учун кўп иш қилиш керак. Уни албатта жаҳон маданияти мероси тасарруфига киритиш зарур.

Олим бу борада катта ташаббус кўрсатган. Хива 1967 йилда Ўрта Осиёдаги илк тарихий, меъморий ёдгорликлар қўриқхонаси деб расман эълон қилинди. Кейинчалик Хиванинг Ичон-қалъа қисми ЮНЕСКО тасарруфига киритилишида ҳам Толстов қолдирган қимматли манбалар асос бўлган. Хоразмда Маъмун академияси фаолияти ҳақида илк бора фикр юритган, ёзиб қолдирган олимлардан бири ҳам С. П. Толстовдир.

Ўлкашунос олимнинг "Қадимги Хоразм" ва "Қадимги Хоразм маданиятини излаб" номли китоблари жаҳондаги энг ноёб илмий-тарихий асарлар сирасига киради.

"Ўзбек археологиясининг отаси" деб тан олинган, қадим Хивада устоздан кейин археологик қазишмалар ишига бош бўлган академик Яҳё Ғуломов Толстовнинг энг муносиб, садоқатли шогирди ҳисобланади.

Толстовнинг битта армони бор эди: Хивада "Хоразм археологияси музейи" очмоқчи эди. У 1976 йил 28 декабрда вафот этди.

Вилоят ҳокимлигида шу йилнинг декабрь ойида С. П. Толстовнинг 100 йиллигини нишонлаш, хотирасини абадийлаштириш тадбирлари режаси тасдиқланди. Ана шу режалар асосида Хоразм тадқиқотчиси, қадим Хиванинг мўъжизавийлик касб этишида кўп заҳматлар чеккан Толстовнинг серқирра фаолияти ҳақида маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Абдулла САФОЕВ

Ёдлов

Устоз ибрати

Матёқуб Қўшжонов қаламидан чиққан ишлар адабий жамоатчиликнинг доимий эътиборида бўлиб келган. Ёзувчилар уюшмасида мунтазам бўлиб турадиган муҳокамалар, Фанлар академиясидаги анъанавий анжуманларда, шунингдек, адабий нашрларда ташкил этиладиган баҳсу мунозараларда у ёки бу адабий ҳодисага устознинг муносабати қандайлиги билан қизиқувчилар кўп бўларди.

Шавкат КАРИМОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кафедра мудири

Шу нарсага гувоҳ бўлганманки, умрларининг кейинги йилларида, ўзлари ўқишга имконсиз пайтларда шогирдлар, умр йўлдошлари, фарзандлар, набиралар у кишига янги асарларни ўқиб беришар, мулоҳазаларини қоғозга туширар эдилар. Шундай ҳам бўлдики, домлага у кишининг баҳоларини қадрлайдиган ихлосманд адиблар 300-400 саҳифалик эпик асарларни магнит тасмасига ёзиб, қўйиб беришар, шу аснода янги роман ва қиссаларга кириш сўзлари ёзилар эди.

У зот билан шахсан танишишим ўтган асрнинг 70-йиллари охирига тўғри келган. Ўша йиллари турмуш ўртоғим Фаридахон тоби қочиб, иттифоқо, даволанувчилар орасида Матёқуб Қўшжонов ҳам бор эканлар. Фаридахон гапдан гап чиқиб, ўзининг Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатгани, турмуш ўртоғи (яъни мен) ҳам адабиётга дахлдор эканимни айтади.

Ўшанда домла мени ҳузурларига келишимни айтган эканлар. Ўзимнинг оғир карвонлигим, турмуш икир-чикирлари ва университетдаги ишларим билан бўлиб, домланинг олдига ҳа деганда ўтолмадим.

Кунларнинг бирида олийгоҳда юрсам, инглиз филолигияси факультетининг ўша пайтдаги декани раҳматли Каримберди ака Раҳмонбердиев "Сизни академиядан Матёқуб Қўшжонов сўраяптилар, бир бориб учрашар эксанз", деб қолдилар.

Шунда лоп этиб, шифохонада айтилган гап ёдимга тушди. Ўша пайтда устоз академиянинг Тил ва адабиёт институтида директор бўлиб ишлар эдилар.

Қабулхонада котиб қиз домлага келганимни билдириши биланоқ мени ҳузурларига чақирдилар. Ҳол-аҳвол сўраб, нимага машғул эканлигим билан қизиқдилар.

Кейин менга юзланиб:

— Сизнинг бир неча мақолаларингиз билан танишдим. Ўзбек адабиётининг немис адабиётшунослари томонидан ўрганилиши, умуман ўзбек воқелигининг Германияда идрок этилишини тадқиқ этиб, бир тизимга солиб яхлит монографик тадқиқот сифатида ўрганмайсизми? Мен ўзим ишингизга раҳбарлик қиламан. Бу ишни уддалай олишингизга кўзим етганидан айтяпман. Кўпинча ёшлар ийманадиларми, салобат босадими, тўғридан-тўғри менга мурожаат этишавермайди, — дедилар.

Домланинг таклифу қувватлашлари менга қанот бўлди. Илҳомланиб ишга киришдим. Маълум муддат ўтгач, бир босма табоқча қораламанми олиб бориб, "Қўлингиз текканда кўриб берарсиз", деб ташлаб келдим. Ҳа деганда жавоб бўлавермади. Сўрашга ботина олмадим. Бир анжуманга борганимда домла институт йўлагида кўриб қолиб:

— Салоҳиддин Мамажоновга учранг, мақола нима бўлдийкин? — деб қолдилар домла.

Дарров Салоҳиддин акага йўлиқдим. Билсам, устозга "Кўриб берасиз" деб берган иш "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида чоп этиш учун териб қўйилган экан. Корректурасини ўқиб бердим.

Ўша пайтларда ёш тадқиқотчилар ва аспирантлар ишлари петит билан терилиб, ахборот тарзида журнал охирида бериларди. Мақолам "Ўзбек адабиёти немис мунаққидлари талқинида" номи билан номдор адабиётшунослар тадқиқотлари билан ёнма-ён берилибди. Бу ҳам устознинг каминага кўрсатган саховатлари эди.

Кунлардан бир кун домла Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси, шарқшунос Ч. Н. Челишевнинг салмоқли китобини бериб, "Ўқиб чиқинг, таассуротларингизни қоғозга туширириб, кейин олдимга келарсиз", дедилар. Аввалига ажабландим, кейин ўз адабиётингни хорижий адабиёт кўзгуси орқали кўриш билан кўп нарсани ўрганиш мумкин, унинг устига бутун умр бўйи Шарқ, хусусан ҳинд адабиётларини ўрганган Ч. Н. Челишевнинг тадқиқ йўриғи билан ошно бўлишимни истаган бўлсалар керак деб, синчковлик билан ўқидим.

Мутолаа ва ўрганиш ниҳоясига етгач, таассурот ва фикрларимни 4-5 саҳифада умумлаштириб, устоз нима дер эканлар, дея олдиларига бордим. Шошилмай кўриб чиқдилар, кейин:

— Дурустгина тақриз бўлибди. "Адабиёт ва санъат"га Маҳмуд Саъдийга олиб боринг, Матёқуб Қўшжонов тавсия этдилар, деб айтинг, — дедилар домла.

Мақола "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида босилиб чиқди. Диссертациям ниҳоясига етиб, Тил ва адабиёт институти секторларининг қўшма мажлисида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилгач, бир муаммо пайдо бўлди. Нафақат Ихтисослашган кенгаш таркибида, балки Ўзбекистон бўйича ўша пайтда Европа адабиётлари бўйича фан доктори йўқ экан.

Домланинг "Шедрость таланта" китоблари Москвада чиқиш арафасида у кишини китобнинг сигнал нусхасини ўқиб бериш учун таклиф этишди. Устоз ишлари бошларидан ошиб-тошиб ётганига қарамай, Жаҳон адабиёти институтига бориб, профессорлар П. Топер ва Н. Ивановларни Тошкентга бир марталик Ихтисослашган кенгашга аъзоликка таклиф этганлар. Домланинг кўплаб кишиларга бундай ҳожатбарорлик қилганларига бир неча бор гувоҳ бўлганман.

Ниҳоят, ҳимоя ҳам етиб келди. Домла кенгаш раиси, мен илмий даражага даъвогар. Ҳимоя гали менга келганда, домла бир иш билан чиққандек, хонани тарк этдилар. Кейин билсам, у кишининг илмий раҳбарликлари ва раисликлари муҳокаманинг холислигига таъсир этмасин деб шундай қилган эканлар.

Шу-шу, домла билан устоз-шогирд ва оилавий муносабатларимиз салкам 35 йил давом этиб келди. Учрашувимиз устознинг хонадонида бўладими, дала ҳовлисию станционарда бўладими, хотирамизда самимият сабоқлари бўлиб муҳрланди. Домланинг очиқ чеҳралари, келинойимиз Раҳима опанинг ўз жигарларидек қабул қилишлари бизни бу қутлуғ даргоҳга талпинишимизга баҳона бўлар эди. Бирор сабаб билан дийдорлашув муҳлатлари чўзилгудай бўлса, келинойимиз ёки домланинг ўзлари катта бошларини кичик қилиб, уйимизга қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраб кўнглимизни кўтарар, домланинг назарларида бўлганимиздан хурсанд бўлар эдик.

Домла тўқсонни қоралаб қолганларида ҳам ўқиш ўрганиш, ёзиш, тадқиқ қилишдан бирор фурсат тўхтаганлари йўқ. Қачон ҳузурларига бормай, аввалги учрашувдан буён қилган ишлари, ёзган мақолалари, тайёрлаган рисолалари, қоралаган эсдаликлари ҳақида гапириб гўё ҳисобот берар эдилар. Суҳбатларидан сира ҳам "Мен бу ишни дўндириб қўйдим" маъносидаги оҳангни ҳам, ғурурни ҳам сезмаганман. Ундан кейин: "Қани, ўзингиз нималар қилдингиз", деб қизиқар, агар жўяли бирор нарсани уддаламаган бўлсак, койимасалар ҳам, янги ишларга рағбат берар эдилар.

— Ишингизда мунтазамликни одат қилинг. Ҳар куни бирор нарсани қораласангиз, қўлингиз ёзишдан чиқиб қолмайди. Агар кунда бир саҳифа ёзсангиз, бир йилда 365 саҳифа бўлади, — дер эдилар раҳматли домла. Ўзлари шу тамойилга умр бўйи амал қилганликлари барча шогирдларга ўрнак бўлиб қолди.

Адабиётимиз барқарор экан, домланинг кўплаб жилдлик китобларга арзигулик меросларини адабиётшуносларни тарбиялашдек эзгу ишда дастурул-амал бўлиши шубҳасиздир. Агар XX асрда яратилган адабиёт назарияси, танқиди ва адабиётшуносликка доир тадқиқотлардан умрбоқийлари саналадиган бўлса ва ўрнакли қомус тузиладиган бўлса, албатта, М. Қўшжонов битиклари олтин меросимизнинг салмоқли саҳифалари бўлиб қолишига сира ҳам шубҳа йўқ. Охиратингиз обод бўлсин, устоз!

Назм

Аста-аста эриб борди тун

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

Ёнар сўз

Бир дилрабо куйдирдинг
Бир оташин ёндим мен.
Бир жонфизо суйдирдинг,
Севдим, севдим жондин мен.

Ёнар, куяр хонумон,
Нурга дўнар бор-борим.
Ёниб қолар изимдан
Шеърларим — ёлқинларим.

Шеърларимда ёнаман,
Бундан бошқа йўлим йўқ.
Ёнар сўз бўп қоламан,
Сўзга асло ўлим йўқ.

Бир дилрабо куйдиргил
Бир оташин ёнай мен...

Ҳижрон кемаси

Маҳбуб,
Бир маҳбуб муножот қолди кўзингда,
Аҳтарим деб айтармидинг балки сан...
Ҳолда ҳижоб, қайтдим, ортга — изимга,
Бир сўз армон, ул сўз вайрон. Айрусан...

У кунлар ёди ёд. Уникдим балки,
Балки ҳофизангдан ўчдим сарғариб.
Айролиқ сариға кетяпман қалқиб,
Мавжвар ахтариб, инграб телбариб...

Гарчи ишқ ортдадир, гарчи ишқ ортда,
Айролиғ олдинда, айролиғ олдда...

Ўша биттаси

Аста-аста эриб борди тун,
Ўчди сўнгги милчироқ увол...
Ойимомо оқади маҳзун –
Ҳазин хаё — шикаста Аёл...

Ғарчиллатиб кечиб борар у,
Ҳаётига ёққан қорларни.
Эритмасдан кураб ташлади,
Ёлғон хору ёлғон зорларни.

Қолди битта...
Ўша... "Биттаси"...

Ҳамонки

Агарчи келмасанг кўнглимга сан,
Аёнки, кўнглима келмагансан.
Ҳамонки келибсан кўнглимга сан,
Кўнглимда, кўнглимда, кўнглимдасан.

Султонмурод ака

Акам тушунмаган лаҳжам, тилимни
Наҳот тушундингиз, наҳот! Ташаккур!
Яйратиб қўйдингиз дилхун дилимни,
Шеъринг шарҳ этсалар на ҳаз, на ҳузур.

Менинг ғариб дилим сирмидир, асли
Навоий сайр этган боғларда хоссиз.
Балки шу боисдир ул пири комил
Нажмиддин Комилга манзур ихлоссиз.

Сирликка арзирми, ғариб дил розим,
Гулининг қалбига маҳрам қаламга.
Неки ёздим дилда борини ёздим,
Неники ёзғирдим — менинг алангам.

Ўрибдир арқоғим — мунгдир, афғондир,
Мен зиҳҳор тонмадим. Ранж туймас ёдим.
Гарчи ёзғутларим ранги ёвғондир,
Тасалло шундаки, ёлғон солмадим.

Султонмурод акам, султондил акам,
Ўзи султон, қалби ултондил акам.
Биз сизни англамай ўтсак ажабмас,
Ғофил юракларда, вулқондил акам...

Қайин анор доналари

Тақдир — дилим онча ҳароброқ кўрдим,
Обод тасаввурим сароброқ кўрдим.
Бир умр эмраниб олға босаман,
Ёлғон манзилларни сероброқ кўрдим.

***

Биламан, бизимлар бизим демаслар,
Бизим демасларим ғам ҳам емаслар.
Бизни бир пашшача билмас бу дамлар
Бизим бу дамларни дам ҳам демаслар.

***

Омонлиғ истасанг бу ғул замона
Зайлига боқ деди, боқо билмадим.
Чор томонни қибла тутган уммонда
Тўрт ёнга бир онда оқо билмадим.

***

Ободлиғим дил мулкининг харобиндадир,
Обидлиғим дилсизликлар саробиндадир.
Ай, дунё-я! Ғамларингга хуммору мастмиз,
Хушёрлиғим майи наби шаробиндадир.

Номзодлар

Гулхан атрофидагилар ҳаёти

Ҳозир нима кўп — телесериаллар кўп. Улар орасида Бразилия, Мексика, Япония, Венесуэла, Корея, Туркия ва ҳакозо мамлакатларда ишлаб чиқарилган кино маҳсулотларини учратиш мумкин. Албатта, бошқа юртлар одамларининг яшаш тарзи, маиший ҳаёти, ўй-фикрлари, урф-одатлари, ахлоқи, маънавий ҳаёти билан танишиш фойдадан холи эмас. Бироқ тилимизга ўгирилган барча фильмлар халқимизнинг менталитетига бирдек тўғри келиши, ёшларимизнинг тарбиясига бирдай фойдали эканлиги масаласида қатъий фикр билдириб бўлмайди.

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА

Шундай экан, бу борадаги "бўшлиқ"ни тўлдириш талаб этилади. Шундай ҳам бўлмоқда. "Кўнгил кўчалари", "Чархпалак", "Домла", "Севги фариштаси", "Мафтуна", "Келин салом", "Имон" каби ўзимизнинг телесериаллар яратилди. Телесериаллар ижодкорларидан халқимизнинг бугунги ҳаётини тўлақонли, ёрқин, жозибали тасвирлаб берган, ҳаққоний, чинакам дид билан яратилган ҳар томонлама мукаммал кино асарлари кутишга, бизнинг сериалларимиз ҳам жаҳон телеканалларида намойиш қилинишини, мана шу орқали халқимизга хос такрорланмас фазилатлар, кейинги ўн беш йилдаги ўзгаришлар кино тилида дунё томошобинларига етиб боришини орзу қилишга ҳақлимиз. Бу борада изланишлар олиб борилаётгани қувончли. Жумладан, кейинги вақтларда яратилган "Гулхан атрофидагилар" кўп қисмли видеофильми, томошабинлар эътиборини қозонди, деб айтиш мумкин. Ушбу телесериалнинг композицияси ўзига хос мураккаб. Унинг экран юзини кўргунга қадар кечган машаққатли жараёни ва заҳмати фақат фильм ижодкорларига, энг аввало режиссёргагина аён. Тўғри, кинонинг жонли чиқишида актёрларнинг ҳам ўрни катта. Бироқ кино матни ва унга қўшимчалар киритиб, бойитилган вариантини ёзиш кинорежиссёр Замира Бегимқулованинг зиммасида бўлди. Ўз касбига меҳр қўйган, ҳам оиласига, ҳам соҳасига бирдек садоқат билан хизмат қилаётган моҳир режиссёр бошлаган хайрли ишининг уддасидан чикди.

Қизиқ, нега кинонинг номи "Гулхан атрофидагилар" деб қўйилган деган савол билан режиссёрга мурожаат қиламан. Замира опанинг айтишича, журналист, ҳикоянавис Зоир Мамажоновнинг шу номли асари асосида тайёрланган бу фильм кўп меҳнат талаб қилган.

Фильмдаги лавҳаларнинг аксарияти Тошкент Тиббиёт академияси клиникасида суратга олинган. Инсон саломатлиги билан боғлиқ жараёнларни, турли касалликларни яхши тушунмай, беморларнинг ҳолатини ҳам тасвирлаб бўлмасди. Шу боис режиссёр тасвирга олишдан аввал тиббиёт ходимлари, жарроҳ шифокорлар билан суҳбатлашган.

— Бу борада бизга тезкор жарроҳлик бўлими бошлиғи Наримон Тошев яқиндан ёрдам берди, яъни рол ижрочиларига операция қилиш, операциядан кейинги муолажалар, ошқозон резекцияси билан шикоят қилган беморга қандай ёрдам кўрсатиш, ўт пуфагидаги тошни қай йўсинда олиш каби сценарийдаги мавжуд касалликлар ҳақида маълумот берди. Хуллас, лавҳаларнинг жонли чиқиши учун шифокорлик касбини чуқур ўрганишга тўғри келди, — дейди суҳбатдошимиз Замира опа.

Кинони суратга олиш ишлари 2004 йил бошланган. Ролларни актёрлар Мирза Азизов, Раъно Зокирова, Исмат ролини Алишер Ҳамроев ҳамда Мурод ролини Жафар Мўминов ва бошқалар ижро этган. Режиссёрнинг айтишича, Қорасоч ролини ўйнаган актриса тасвирга олиш жараёнига кўп келмай, ишни бироз мураккаблаштирган. Унинг асосий ролини Дилафрўз Аҳмедова (Нилуфар) бажаришига тўғри келган. Шунингдек, жой масаласи бироз муаммо бўлган. Тасвирга директори йўқлиги сабаб ишнинг кўпи режиссёрнинг ўзига қолган.

— Яхшиямки, жонкуяр ҳамкасбларим бор, нафақат улар, балки актёрлар ҳам яқиндан ёрдам берди. Айниқса, ассистентим Йўлчи Болибоев, фильмга қўшиқ ижро этган ёш бастакор Афзалбек Ҳусанов, тасвир ишларида сидқидилдан ишлаган Саъдулла Ўринбоев, барча-барча елкадош бўлиб, холис хизмат қилишди, — дейди Замира Бегимқулова мамнун бўлиб.

Ҳар қандай фильмнинг муваффақияти қозонишида режиссёр билан биргаликда операторнинг маҳорати катта ўрин тутади. Шу жиҳатдан Саъдулла Ўринбоевнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим. Режиссёр ва оператор илгари ҳам "Ботмай қолган ой", "Чек", "Муҳаббат армонлари" сингари фильмларни биргаликда яратганлиги ижодий ҳамкорликка яхшигина замин тайёрлаган кўринади. Телефильмдаги бир лавҳа ва унинг оператор томонидан талқини ёдга тушади. Фильм персонажларидан бири — Раънонинг ойнага қараб турғандаги ҳолати тасвирга олинган. Мана шу тарздаги тасвир персонажнинг ўша пайтдаги ҳолатини, руҳиятини, айни дамларда қалбида нелар кечаётганлигини очиб беришда, бир сўз билан айтганда драматизмни кучайтиришда қўл келган. С. Ўринбоев ушбу фильм орқали ўзининг изланувчан, ўз касбини яхши биладиган, рангларни уйғунлаштиришда, чироқларни зарур жойларга қўйишда моҳир оператор эканлигини кўрсатган.

Суратда: фильмдан лавҳа. Ролларда: Мирза Азизов ва Раъно Зокирова.

Кинодаги лавҳалар дастлаб Қибрай туман 1-шифохонасида тасвирга олинган. Кейинги эпизодлар Тошкент Тиббиёт академиясининг жарроҳлик хонасида тасвирга туширилган.

— Биз тасвирга олиш ишларини энди бошлаганимизда бир бемор оғир ҳолатда жонлантириш хонасига олиб келинди. Ишни тўхтатиб бўлмайди. Ваҳоланки, беморга тез тиббий ёрдам кўрсатиш лозим. Иложсизликдан сёмка қилишни тўхтатдик. Шифокорлар ёрдами билан кейинги хонада ўзимизга тегишли кичик лавҳалар, махсус операция жараёнини тасвирга олдик. Шу билан бирга 80 ёшли аёлнинг операция қилинаётган жараёнини актёрлар иштирокида тасвирга туширдик. Сўнгра ҳар иккала операция тасвирининг фарқи сезилмаслиги учун монтаж қилиб, қўшиб юборилган, — дейди режиссёр.

Кинода барча актёрларнинг гулхан атрофида йиғилиб ўтириши рамзий маъно ташийди, яъни гулхан уларнинг учрашиб, ҳамсуҳбат бўлишига топилган йўл. Беш сериалга ҳамоҳанг тарзда бош қаҳрамонлар ҳам бешта, улар гулхан атрофида бирма-бир ривоят айтишади. Охирги қисмида уларнинг ким эканлиги яққол билинади.

Гулхан атрофидаги лавҳа Хондайликдаги "Оқтош" болалар оромгоҳида туширилган. Қоронғу тушгани сабаб гулхан ёқиш учун ўтин йиғиш анча қийин кечган. Ўша куни бир актриса яна келмай қолиб, иккинчи куни келиб, бошқатдан гулхан ёқишга тўғри келган. Иштирокчиларнинг деярли ҳаммаси кетишган. Фақат режиссёр ва унинг ассистенти даштда ёлғиз қолишган.

Хотираларга қулоқ тутайлик:

— Бу ерларда бўри бўлади деб эшитганим учун қоронғуда ваҳима босиб турган эди. Ногаҳон жарлик ёқасида турган тумшуқли махлуққа кўзим тушди. Шунда ҳамкасбим чироқ нурини у томонга қаратди, не кўз билан кўрайки, рўпарамизда бўри турибди. Ҳамроҳим "Жарликнинг четига борсак бўри чиқолмайди", — деди. Қоронғуда қўл телефонида Мирза Азизовни чақираман деб, бошқа номерни териб, "Бўри бор экан, тезроқ етиб келсангизчи" деб бақираман. Нотаниш одам ҳайратланиб, "Ким бу? Қанақа бўри" деганидан сўнг бошқага қўнғироқ қилганимни сезиб ҳам кулгим, ҳам қўркувдан йиғлагим келади. Хайрият, бўри ғойиб бўлгандан кейин ярим соатлар ичида ижодий гуруҳ ҳам етиб келди, ишни давом эттирдик. Қизиғи шундаки, машина ботқоқликка ботиб қолган пайтда Ҳазрат Қораевич Қорасочга гапириши керак бўлган, Гавҳар Шарипова келмагани боис унинг ўрнида Азиза Бегматова ўтириб турган. Бошқа куни у машинанинг ичида алоҳида олинган. Хуллас, кинонинг дунёга келиши шу каби қизиқ ва машаққатли кечди. Ушбу телесериалнинг асосий ғояси — инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, одамгарчилик, муҳтожларга ёрдам беришдек савоб ишлар қилиш, соф муҳаббат тараннум этишдир.

Режиссёр Замира Бегимқулова бу борада анча тажрибали. У 1976 йилдан бери шу соҳада ишлаб келмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон телевидениеси 1-каналининг маданий-маърифий ва дам олиш кўрсатувларининг бош муҳаррири, болалар студиясининг режиссёри. Асосан, болалар учун мўлжалланган кўрсатувлар тайёрлайди. Жумладан, "Ғаройибкентга саёҳат" — болалар учун ҳажвий кўрсатувнинг муаллифи, шу билан бирга "Болалар учун туғилган кун" новелласи, "Чек" ведиофильми, ёшлар ва катталар учун — "Бувим ёпган нон", "Ботмай қолган ой", "Номимни ҳам сўраманг", "Чинор", "Муҳаббат армонлари" сингари ведиофильмлар яратган. Режиссёр изланишдан тўхтамай, ижод йўлидан дадил кетмоқда. Яқин кунлар ичида экран юзини кўрадиган "Туташ тақдирлар" кўп қисмли телесериал ҳам режиссёрнинг янги ижод намунасидир. Ушбу сериалда 80 дан ортиқ персонаж бор. Унинг бош ғояси ўзбек халқи ҳаётини холис кўрсатиш, инсонлар орасидаги меҳр-оқибат, одамгарчиликни ёрқин ифодалаш, шунингдек, маҳалладаги одамларнинг бир-бирига бўлган муносабати, инсон ҳаётида маҳалланинг роли, қайнона-келин муносабатлари ва ёшлар ўртасидаги сохта муҳаббатнинг авж олаётгани каби мавзуларни ўз ичига олади. Фильмда мумтоз қўшиқлардан кўп фойдаланилган. Ҳозирги вақтда фильмни суратга олиш ишлари юзасидан тайёргарлик жараёни кетяпти. "Гулхан атрофидагилар" фильмини мазмун жиҳатдан тўлдирувчи янги сериал тез орада экран юзини кўради. Холис баҳо бериш эса томошабинларнинг ўзига ҳавола.

Хабар

Янги темир йўл

Вилоят журналистлари у ердаги ишлар билан бевосита танишдилар

Яқинда Сурхондарё вилояти ҳокими А. Эшмуродовнинг вилоятда фаолият кўрсатаётган республика газеталари мухбирлари, шунингдек, вилоят ҳамда туман газеталари муҳаррирлари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқоти чоғида бир гуруҳ матбуот ходимлари воҳа журналистларининг Тошғузор Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши бўйлаб оммавий ижодий сафарларини уюштириш ҳақида таклиф билдирган эдилар. Таклифни маъқуллаган вилоят ҳокимлиги ана шу тадбирни амалга оширди.

Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ёрдамчиси Абдуқодир Тошқулов раҳбарлигидаги журналистлар гуруҳи "Аср қурилиши" деб ном олган темир йўл қурилиши объектида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг охирида қурилиш тугалланиши режалаштирилган халқаро аҳамиятга эга объект амалда мамлакатимиз мустақиллиги кунларигача туташтирилиши учун бу ерда кечаю кундуз иш қизғин кетмоқда. Матбуот ходимлари темир йўл қурилишининг энг мураккаб қисми бўлган Дарбанд-Чакчак участкасида бўлиб, бунга яна бир бор амин бўлишди.

Дарвоқе, умумий узунлиги 223 километрни ташкил этган темир йўл қурилиши амалда ўз поёнига етмоқда. Айни пайтда қурувчи-муҳандислар денгиз сатҳидан 1200-1500 метр баландликдаги участкаларда ишни давом эттиришмоқда. Соҳа мутахассисларининг фикрича, қўлами ва мураккаб тоғ шароитида олиб борилаётган техник-муҳандислик ишлар бўйича ушбу объект Ўрта Осиёда тенги йўқ дея ном олган. Матбуот ходимлари ижодий сафар чоғида техник-муҳандислар, ишчилар билан учрашиб, амалга оширилаётган ишлар, ушбу гигант объектда фаолият кўрсатаётган ишчилар ва бошқа ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Шундан сўнг журналистлар гуруҳи Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари чегарасида жойлашган Дарбанд қишлоғида қурилган замонавий темир йўл вокзали, бу ерда йўловчилар учун яратилган қулай шарт-шароитлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Мутахассислар бу ерда бунёд этилган қўшимча объектлар, қурилиши режалаштирилган локоматив депо ҳамда темир йўл хизматчиларининг фарзандлари учун бунёд этилаётган янги замонавий мактаб қурилиши ҳақида батафсил маълумот бердилар.

МУХБИРИМИЗ

O'ZINGNI ANGLAI
HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 135-39-01. Тел: 142-49-91, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-454 Т: 3404 23456